

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ИҚТИСОДИЁТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Факултет декани _____
доцент Комолов Х.Х.
« ____ »июн 2014 й.

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
кафедра мудири _____
доцент Шерматов О, А.
« ____ »июн 2014 й

***Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш
таълим йўналишининг битирувчиси
Исақов Мирзоҳиджон Шарафутдиновичнинг***

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***Мавзу: Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер
хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг
иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрни..***

*БМИ рахбари: профессор О.З.Зокиров
Бажарувчи: М.Ш. Исақов*

Андижон – 2015йил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудир

доцент Шерматов О, А. _____

«10» сентябрь 2014 й.

Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш

таълим йўналишининг битирувчиси

Исақов Мирзоҳиджон Шарафутдиновичга

битирув малакавий ишини бажариш учун

ТОПШИРИҚ

1. **Битирув малакавий ишининг мавзуси:** институт ректорининг «10» сентябрь 2014 йилдаги 275-Ст- сонли буйруғи билан тасдиқланган.
2. **БМИ мавзуси:** Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишининг иқтисодий самарадорликни оширишда туганган ўрни.
3. **Битирув малакавий ишни тугатиш вақти:** « 2 » июн 2015 йил.
4. **Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши.** Кириш, 3 та бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
5. **Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Аграр ислохотларни чуқурлаштиришга оид бўлган ҳуқуқий қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мавзуга оид адабиётлар, интернет манбалари, ҳамда БМИ объекти бўйича 2012-2014 йиллар учун ишлаб чиқаришининг иқтисодий кўрсаткичлари, бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлар.
6. **Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 10-12 та жадвалларни тайёрланиши кўзда тутилган бўлиб, улардан камида 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

<i>Битирув малакавий ишининг асосий саволлари</i>	<i>Бажа рилиши муд датлари</i>	<i>БМИ рахбарнинг Ф.И.Ш</i>	<i>Имзо</i>
<i>Кириши</i>	<i>12.09.2014</i>	<i>профессор О.Зокиров</i>	
<i>1 Боб Фермер хўжаликларида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари</i>			
<i>1.1. Ер ресурслари қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси.</i>	<i>07.11.2014</i>	<i>профессор О.Зокиров</i>	
<i>1.2. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг</i>	<i>06.12.2014</i>	<i>профессор О.Зокиров</i>	
<i>1.3 Ердан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими</i>	<i>09.01.2015</i>	<i>профессор О.Зокиров</i>	
<i>2 Боб Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлили.</i>			
<i>2.1 Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ - иклим шароити.</i>	<i>07.02.2015</i>	<i>профессор О.Зокиров</i>	
<i>2.2 Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлил этиши.</i>	<i>06.03.2015</i>	<i>профессор О.Зокиров</i>	
<i>2.3. Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишда агротехнологияларни самарали таъкил этиши</i>	<i>15.04.2015</i>	<i>Доцент З.М.Жумабоев</i>	
<i>3 Боб Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрни</i>			
<i>3.1 Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларини ишлаб чиқариши омили сифатидаги</i>	<i>04.05.2015</i>	<i>профессор О.Зокиров</i>	
<i>3.2. Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликни оширишда тутган</i>	<i>11.05.2015</i>	<i>профессор О.Зокиров</i>	
<i>Хулоса ва таклифлар</i>	<i>20.05.2015</i>	<i>профессор О.Зокиров</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i>	<i>28.05.2015</i>	<i>профессор О.Зокиров</i>	

Топшириқ берилган вақти:

12 сентябр

БМИ рахбари:

профессор

Битирувчи: М.Ш.Исақов

М у н д а р и ж а

№	Мазмуни	бетлар
	<i>Кириш</i>	<i>5</i>
<i>1-БОБ</i>	<i>Фермер хўжаликларида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари</i>	<i>11-34</i>
<i>1.1.</i>	<i>Ер ресурслари қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси.</i>	<i>11</i>
<i>1.2</i>	<i>Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг назарий-услубий асослари.</i>	<i>17</i>
<i>1.3.</i>	<i>Ердан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими</i>	<i>28-70</i>
<i>2-БОБ</i>	<i>Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлили.</i>	<i>35-</i>
<i>2.1.</i>	<i>Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ - иклим шароити.</i>	<i>35</i>
<i>2.2.</i>	<i>Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлил этиши.</i>	<i>44</i>
<i>2.3</i>	<i>Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишда агротехнологияларни самарали ташкил этиши</i>	<i>62</i>
<i>3-БОБ</i>	<i>Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрни</i>	<i>71-81</i>
<i>3.1.</i>	<i>Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларини ишлаб чиқариши омили сифатидаги хусусияти</i>	<i>71</i>
<i>3.2.</i>	<i>Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрни</i>	<i>76</i>
	<i>Хулоса ва таклифлар</i>	<i>82</i>
	<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i>	<i>87</i>

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти каттадир. Республика ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизга яқини, озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97 фоизга яқини қишлоқ хўжалигида яратилмоқда. Давлат миқёсидаги жами валюта тушумининг яримидан ортиғи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобига олинмоқда. Бу ҳолат яқин келажакда ҳам сақланади. Келажакда фан-техника тараққиётига, илғор технологияларга асосланган қайта ишлаш саноатининг юксалиши, аҳоли сонининг ўсиши, ташқи бозор талабининг ўзгариши экологик талабларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнлари янада ривожлантирилишини объектив равишда тақазо этмоқда. Шунинг учун ҳам тармоқни ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислохатлар жараёнида мулкчилик ва хўжалик юритишнинг энг самарали ва истиқболи шакллари ташкил этишга кенг имкониятлар яратилди. Ўтган давр ичида қишлоқ хўжалигидаги ислохатлар иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим бўғини деб эътироф этилди. Аграр ислохатлар жараёнида қишлоқ хўжалигида турли хўжалик юритиш ва мулкчилик шакллари синаб кўрилди.

Президентимиз И.А. Каримов ўз маърузаларида таъкидлаганидек «Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истикболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжаликларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.»¹

Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида энг аввало кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларни атрофлича таҳлил этиб берди.

“2014 йилда қишлоқ меҳнаткашлари қандай оғир синовларга дуч келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Совуқ кунлар одатдагидан кўпроқ бўлди. Бу, айниқса, баҳор ойларида янада кўпроқ сезилди. Ёздаги сув танқислиги, вегетация давридаги кучли шамол ва бўронлар, кузнинг анча эрта ва салқин келгани соҳа меҳнаткашлари учун кўплаб жиддий муаммоларни туғдирди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамасдан, деҳқон ва фермерларимизнинг мардонавор меҳнати, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобидан 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу юксак минбардан туриб, пахтакор ва ғаллакорларимизга, барча-барча қишлоқ меҳнаткашларига қаҳрамонлик намунаси бўлган, машаққатли ва шарафли меҳнати учун ўз номидан, бутун халқимиз номидан яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

¹И.А. Каримов “2014 йил юкори ушш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили булади” . Халқ сўзи.19. 01. 2015 йил

Маълумки, биз қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу вазифа энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнаткашлари, балки бутун Ўзбекистонимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Ўтган даврда бу борада кўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир.

Агарки бу рақамларни гектарларга кўпайтирадиган бўлсак, амалга оширган ишларимизнинг самараси янада яққол намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш ҳақида сўз юритганда, аввало, пахта экиладиган ерларни оптималлаштириш ва бошоқли дон экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик учун ажратилган майдонларни кенгайтириш ҳисобидан экин майдонлари таркибида ўзгаришлар амалга оширилганини қайд этиш жоиз.

Масалан, Андижон, Косонсой, Чортоқ, Ўрта Чирчиқ, Ўзбекистон ва Бувайда туманларида пахта экин майдонлари қисман қисқартирилди, Асака, Янгийўл ва Жомбой туманларида пахта экишдан бутунлай воз кечилди. Шу асосда пахтадан бўшаган 30 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерда дон

экинлари, сабзавот, картошка етиштириш йўлга қўйилди, боғ ва узумзорлар барпо этилди. Натижада 2012-2014 йилларда пахта етиштириш ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсди.

Янги боғ ва узумзорлар барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

2010-2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди.

Бундай боғларнинг кўплаб афзалликларга эга экани бугунги кунда амалда намоён бўлмоқда. Мисол учун, оддий мевали дарахт экилганидан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунига қадар одатда 4-5 йил ўтади. Интенсив боғдорчиликда эса дарахт иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосилга киради. 2011 йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2014 йилнинг ўзида ўртача 300 центнердан ҳосил олингани ва ҳосилдорлик йил сайин кўпайиб бораётгани буни тасдиқлайди.

Замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва фермерларни юқори унум билан ишлайдиган қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларга ўтиш ушбу соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришда энг муҳим йўналиш ҳисобланади.

Шу мақсадда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими бутунлай қайта ташкил этилди, «Ўзагросаноатмашхолдинг» компанияси тузилди, соҳа корхоналари оптималлаштирилиб, улар қишлоқ хўжалигида талаб этилаётган аниқ турдаги техника ва механизация воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди.²

2/Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

Шу асосда қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида бугунги талабдан келиб чиқиб мавжуд дехқончилик қилинадиган ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрни аниқлаш энг асосий вазифа ҳисобланади.

Юқоридаги келтирилган барча маълумотлар танлаб олинган мавзунинг долзарблигини асослайди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади қишлоқ хўжалигини ўзига ҳос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тармоқда асосий хўжалик юритиш шакли ҳисобланган фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш жараёнида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу масалаларИзбоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигиги мисолида ёритилди.

Битирув малакавий ишини бажариш жараёнида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий- услубий асослари асосланди.

Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигини иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этиш асосида, фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш омиллари аниқланди ва шу асосда иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари белгиланди.

Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини иқтисодий жиҳатдан баҳолаган ҳолда ер участкаларидан самарали фойдаланиш масалалари урганилди

Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрни масалаларини қамраб олган қатор фикр ва мулоҳазалар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишда келтирилган фикр мулоҳазалардан, қилинган хулосалар ва таклифлардан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжаликларида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрни юзасидан чора тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг умумий ҳажми бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда 12 та жадваллардан фойдаланилди.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, битирув малакавий ишини мақсади, вазифалари ва унинг таркиби акс этирилган.

3 та боб битирув малакавий ишини асосий қисмини ташкил этиб, унда фермер хўжаликларида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрнива зарурияти, шу асосда иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари, Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалиги иқтисодий самарадорлигини ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш асосида унинг янада ошириш бўйича бир қатор хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрни бўйича бир қатор фикр ва мулоҳазалар, таклифлар ишлаб чиқилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида битирув малакавий ишини бажариш давомида фойдаланилган адабиётлар ўрин олган.

1Боб. Фермер хўжаликларида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари

1.1. Ер ресурслари қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг асосларидан бири бу табиий ресурслардир. Табиий ресурсларнинг энг керакли унсурларига эса ер киради. Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий омили, меҳнат йўналтирилган объект сифатидаги меҳнат предмети, шунингдек, турли хил маҳсулотларнинг жойлашув макони, инсонлар учун турар жой ҳамда ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг яшашига мўлжалланган меҳнат қуролидир. Ҳар бир халқ ва миллат ерни асосий бойлиги сифатида еътироф этади, бир нечта шарт ва омилларни бирлаштирган ҳолда қишлоқ хўжалигидаги афзалликларни ер орқали тавсифлайди.

Ер ресурслари - бу қуруқлик юзасининг жами йиғиндиси бўлиб, унинг таркибига бошқа табиий объектлар ҳам киритилади. Булар: ўрмонлар, ўсимлик ва бошқа тирик организмлар, сув объектлари. Ер ресурсларининг сув объектлари ўз ичига кўллар, кўлмак ва ҳовузлар, ариқларни қамраб олади. Океан, денгизлар ва дарёлар эса сув ресурслари таркибига киради.

Ер ресурслари чекланган ресурслар сирасига киради. Ер ресурсларидан фойдаланишда баъзи бир омиллар таъсири кузатилиб, уларга асосан ер ресурслари таркиби вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси 447,4 млн. гектар ер майдонига ега. Республика қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларининг 81 фоизи ёки 26,6 млн. гектарини яйлов ва пичанзорлар ташкил этади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 16 фоизи ҳайдаладиган ерлардир. Мамлакатнинг лалмикор ерлари 6,6 млн. гектар. Шундан 3,0-3,2 млн. гектари ҳайдалади ва уларда лалми деҳқончилик билан шуғулланилади. Қолган қисмидан намликнинг жуда кам бўлганлиги сабабли фойдаланилмайди.

Юқоридагилардан хулоса шуки Республикада мавжуд ер майдонларидан максимал фойдаланишга эътиборни кучайтириш зарур.

Республика ерининг бир қисми шаҳарлар ва аҳоли пунктлари, бир қисми транспорт ва коммуникациялар, дарё ва сув ҳавзалар билан банд ерлар, ўрмон хўжалиги ерлари, ҳарбий мақсадлар учун ажратилган ерлар ва давлат захира фондидан иборат. Биз учун энг муҳими, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ҳисобланади. Республиканинг ер манбалари чекланган ва у қишлоқ хўжалиги тармоғида фойдаланадиган ресурс сифатида камайиб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси ер кодексининг 8-моддасида ер фонди тоифалари белгилаб қўйилган. "Ўзбекистон Республикасининг ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига тайин етилган ерлар - қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2. аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари - шаҳарлар ва посёлкалар шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

3. саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар - кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

4. табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, реализасия мақсадларига мўлжалланган ерлар - алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланадиган ерлар;

5. тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар - тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;

6. ўрмон фонди ерлари - ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжи учун берилган ерлар;

7. сув фонди ерлари - сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

8. захираерлар.

Қишлоқхўжалиги ишлаб чиқаришига тайин этилган ерларга ҳайдаладиган ерлар, яйловлар, кўпйиллик дарахтзорлар, пичанзорлар кирди.

Қишлоқхўжалигида ер фонди асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қуйидагиларга эга:

1) Ер табиатда чегараланган. Уни инсоният хоҳлагунча кўпайтириш имконига эга эмас. Демак, ягона тўғри йўл - мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишдир. Бундан ташқари саноатнинг, коммуникациянинг ўсиши аҳолининг кўпайиши табиий ҳолда бир кишига тўғри келадиган ер майдони қисқаришига олиб келади. Қолаверса, инсоният ердан тўғри фойдаланмаслиги оқибатда уларнинг қишлоқ хўжалиги айланишидан чиқиб кетиш ҳоллари ҳам юз бермоқда. Тарақиятнинг тупроқ эрозияси, шўр босиш, касалликларга чалиниш каби салбий оқибатларини камайтириш ҳар бир давлатнинг, ердан фойдаланувчиларнинг биринчи ҳалдаги вазифасидир.

2) Ер - табиат маҳсули. Бу ҳам бизнинг олдимизга қатор вазифаларни қўяди. Уни яратишда инсон меҳнати аралашмаган. Албатта бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб ернинг баҳоси шаклланади. Лекин бу баҳо унинг ҳақиқий нархи қанча эканлигини аниқ белгилай олмайди. Ерни олди-сотди жараёниларида бу хусусиятларни ҳисобга олиш лозим. Бозор муносабатларининг ривожланиши ерни олди-сотди объектига айлантиради. Бундан ташқари ерларни иқтисодий тармоқларида фойдаланиш учун қишлоқ хўжалигидан ажратиб берётганда унинг нархини билиш ижобий аҳамиятга эга. Имкони борича қишлоқ хўжалигидан ер бошқа соҳалар учун

Шусабаблиернинг бозор нархини аниқлаш тартиби мавжуд.

4) Турли жойларда мавжуд ер майдонлари турли сифатга, яъни унумдорликка эга. Ернинг табиий, сунъий ва иктисодий унумдорлиги бир - биридан фарқланади. Табиий унумдорлик - ернинг инсон аралашувисиз табиат томонидан вужудга келган ҳосил бера олиш қобилиятидир. Инсон аралашуви натижасида вужудга келган унумдорлик сунъий унумдорликдир. Бу унумдорликни ошириш имкониятлари катта. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, республика ерларининг табиий унумдорлиги пасайиб бормоқда. Тупроқда мавжуд бўлган гумус моддасининг пасайиши кузатилмоқда. Бунинг олдини олишнинг асосий йўллари ерга дам бериш, ерларнинг ҳолатини ҳисобга олиб қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш, ерга органик ўғитларни (ҳар бир гектарга камида 15 тоннадан) солиш, суғоришнинг илғ ор технологияларидан фойдаланиш зарур. Табиий ва сунъий унумдорлик биргаликда (уларнинг йиғиндиси) иктисодий унумдорлик тушунчасини беради.

14

Буларнинг барчаси мавжуд ерларда қайси экин турларини жойлаштириш, техниканинг қандай турларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг ҳажми қандай бўлиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида инкор этиб бўлмайдиган талабларни келтириб чикаради.

Ўзбекистон Республикасининг барча ер ресурслари ягона ер фондини ташкил этади. Улар мақсадли фойдаланишига қараб, Ўзбекистон Республикаси ер кодексининг 2-бобида кўрсатилганидек қуйидаги категорияларга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга: илмий-текшириш, ўқув ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари, шунингдек алоҳида фуқаролар, деҳқон хўжаликлари ва кооперативларнинг ерлари киради. Бундан ташқари бошқа қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, ижтимоий ва диний ташкилотларга ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун берилган ерлар ҳам киради.

2. Аҳоли пункти ерларига шаҳар, посёлка ва бошқаларнинг ер майдонлари киради. Уй-жой фонди, парклар ва бошқа маданий-маиший объектларни жойлаштириш учун фойдаланилади.

3. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа қишлоқ хўжалигига таалукли бўлмаган тармоқлар ерлари. Улар заводлар, фабрикалар, темир йўл ва автомобил транспорти, алоқа, муҳофаа объектлари ва бошқаларни жойлаштириш учун фойдаланилади.

4. Табиатни муҳофаза қилиш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар-алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланиладиган ерлар.

5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, тарихий маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар.

6. Ўрмон фонди ерлари. Ўрмон билан банд ерлар, шунингдек, ўрмон хўжалиги зарурияти учун мўлжалланган ерлар.

7. Сув фонди ерлари. Сув хавзалари, гидротехник, сув хўжалик иншоотлари, шунингдек, сув хавзалари қирғоқлари киради.

8. Давлат захира ерлари. Бу ерлар ҳозирча ҳеч кимга эгалик қилишга ва узоқ муддатли фойдаланишга берилмаган. Улар асосан мамлакатнинг кам аҳоли яшайдиган туманларида жойлашган ва янги корхоналар ташкил қилиш учун фойдаланилади, вақтинча фойдаланишга ажратилади

1.2. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг назарий- услубий асослари.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни иқтисодий аҳамияти ҳақида Республикамиз ва бир қанча бошқа олимлар томонидан куйидаги фкрлар билдирилган.

Президентимиз Ислон Каримов 2014 йилнинг асосий якунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида энг аввало кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларни атрофлича таҳлил этиб берди.

“2014 йилда қишлоқ меҳнаткашлари қандай оғир синовларга дуч келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Совуқ кунлар одатдагидан кўпроқ бўлди. Бу, айниқса, баҳор ойларида янада кўпроқ сезилди. Ёздаги сув танқислиги, вегетация давридаги кучли шамол ва бўронлар, кузнинг анча эрта ва салқин келгани соҳа меҳнаткашлари учун кўплаб жиддий муаммоларни туғдирди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамасдан, деҳқон ва фермерларимизнинг мардонавор меҳнати, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобидан 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу юксак минбардан туриб, пахтакор ва ғаллакорларимизга, барча-барча қишлоқ меҳнаткашларига қаҳрамонлик намунаси бўлган, машаққатли ва шарафли меҳнати учун ўз номидан, бутун халқимиз номидан яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Маълумки, биз қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу вазифа энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ

хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнаткашлари, балки бутун Ўзбекистонимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Ўтган даврда бу борада кўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир.

Агарки бу рақамларни гектарларга кўпайтирадиган бўлсак, амалга оширган ишларимизнинг самараси янада яққол намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш ҳақида сўз юритганда, аввало, пахта экиладиган ерларни оптималлаштириш ва бошоқли дон экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик учун ажратилган майдонларни кенгайтириш ҳисобидан экин майдонлари таркибида ўзгаришлар амалга оширилганини қайд этиш жоиз.

Масалан, Андижон, Косонсой, Чортоқ, Ўрта Чирчиқ, Ўзбекистон ва Бувайда туманларида пахта экин майдонлари қисман қисқартирилди, Асака, Янгийўл ва Жомбой туманларида пахта экишдан бутунлай воз кечилди. Шу асосда пахтадан бўшаган 30 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерда дон экинлари, сабзавот, картошка етиштириш йўлга қўйилди, боғ ва узумзорлар барпо этилди. Натижада 2012-2014 йилларда пахта етиштириш ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етиштириш қарийб 21 фоизга ўсди.

Янги боғ ва узумзорлар барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

2010-2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди.

Бундай боғларнинг кўплаб афзалликларга эга экани бугунги кунда амалда намоён бўлмоқда. Мисол учун, оддий мевали дарахт экилганидан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунига қадар одатда 4-5 йил ўтади. Интенсив боғдорчиликда эса дарахт иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосилга киради. 2011 йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2014 йилнинг ўзида ўртача 300 центнердан ҳосил олингани ва ҳосилдорлик йил сайин кўпайиб бораётгани буни тасдиқлайди.

Замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва фермерларни юқори унум билан ишлайдиган қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларга ўтиш ушбу соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришда энг муҳим йўналиш ҳисобланади.

Шу мақсадда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими бутунлай қайта ташкил этилди, «Ўзагросаноатмашхолдинг» компанияси тузилди, соҳа корхоналари оптималлаштирилиб, улар қишлоқ хўжалигида талаб этилаётган аниқ турдаги техника ва механизация воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи 18.01.2015й).

Президентимиз И.А. Каримов 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг

асосий устувор вазифаларига бағишланган маърузасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди.

«Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим ҳомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, ҳалқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013 йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан ҳирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта ҳомашёси етказиб берилди.» (И.А. Каримов “2014 йил юкори усиш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган ислоҳатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили булади” . Ҳалқ сўзи. 19. 01. 2014 йил).

«Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни

пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истикболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжаликларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.» (И.А. Каримов “2014 йил юқори усиш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили булади” . Халқ сўзи. 19. 01. 2014 йил).

«Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимиз чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг муҳими – деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш, десам, ўйлайманки, барчангиз менинг фикримга қўшиласиз.

Фақат ерга меҳр, унинг унумдорлигини ошириш ва биринчи навбатда деҳқон ва фермерга доимий эътибор, уларнинг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиш – бу қишлоқни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича биз танлаган йўлдир». (И.А. Каримов “2014 йил юқори усиш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили булади” . Халқ сўзи. 19. 01. 2014 йил).

«2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Ҳабарингиз бор, ўтган йили 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурини қабул қилдик. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, барча манфаатдор идоралар, Фермерлар кенгаши ва авваламбор фермер хўжаликларининг ўзи ушбу дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши даркор». (И.А. Каримов “2014 йил юқори ўсиш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили булади” . Ҳалқ сўзи. 19. 01. 2014 йил).

«Рухсатингиз билан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ўзгаришларга алоҳида тўхталмоқчиман.

Аввало, қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

Буни авваламбор иқтисодиётимизда амалга ошириладиган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор.» (И.А. Каримов “2014 йил юқори ўсиш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган

ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили булади” . Халқ сўзи. 19. 01. 2014 йил).

Х.М.Махсудов, Н.Б.Раупова, Б.С.Камиловларнинг таъкидлашича “Ҳозирги вақтда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар, асосан, суғориладиган майдонлар булиб, 4,28 млн гектарга тенг. Бу ерлар ҳақиқатдан ҳам Республикамизнинг "Олтин фонди"ни ташкил этади ва уларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоизидан ошироғи етиштирилади.” (“Ўзбекистон тупроқларининг унумдорлик ҳолати, муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш масалалари" Республика илмий-амалий конференцияси Тошкент 2013.)

Ш.Нурматов, Б.Камиловларни ёзган мақолаларида қуйидагиларни таъкидлаб ўтишган. “Табиий ресурслар ичида ер алоҳида, ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга булиб, ундан оқилона, илмий асосланган тарзда, тугри фойдаланишни ташкил этиш ернинг унумдор қатлами булган тупроқ муҳофазасини таъминлашни тақозо этади. Ер қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси булиб, ундан фойдаланишни тугри ташкил этиш айнан тупроқ муҳофазасини иқтисодий-ҳуқуқий, ташкилий жихатдан таъминлашни англатади. Айниқса ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, тупроқ унумдорлигини оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётган, ўз иқтисодиёти ривожланишини агро-индустриал йуналишда ташкил этаётган ҳозирги Ўзбекистон шароитида тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий муаммоларини урганиш, уларнинг ечимини топишда амалиёт материаллари асосида чуқур илмий-назарий мушоҳадага асосланган таклифлар ишлаб чиқиш, ҳулосалар бериш заруратини вужудга келтиради.” (“Ўзбекистон тупроқларининг унумдорлик ҳолати, муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш масалалари" Республика илмий-амалий конференцияси Тошкент 2013.)

А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматовлар қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш жараёнида ерни тутган ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб буни қуйидагича таърифлашади «Қишлоқ хўжалигини жадал ривожланти-

риш назарияси ернинг бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида тутган ўрни ва аҳамиятига асосланади. Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг алмаштириб бўлмайдиган, доимий ва асосий воситаси бўлиб ҳисобланади» (Фермер хўжалигини жадал ривожлантириш қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилидир. Республика илмий-амалий анжумани материллари. АМИИ. Андижон – 2009 й 171 бет).

А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматовларнинг ерни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш жараёнидаги ўзига ҳос хусусиятларини куйидагича таърифлашади «Ер қишлоқ хўжалигида ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлиб, бу аввало, унинг чекланганлиги ва ўз унумдорлигини тўхтовсиз ошириб бориш имконияти билан характерланади» (Фермер хўжалигини жадал ривожлантириш қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилидир. Республика илмий-амалий анжумани материллари. АМИИ. Андижон – 2009 й 172 бет).

А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматовлар қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида ишлаб чиқаришни тўла механизациялаштириш ва электрлаштириш, мелиорация ва ирригацияни ривожлантириш, кимёлаштириш, дехқончилик маданиятини ошири ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш масалаларига эътиборни қучайтиришни асослайдилар. (Фермер хўжалигини жадал ривожлантириш қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилидир. Республика илмий-амалий анжумани материллари. АМИИ. Андижон – 2009 й 170-175 бетлар).

А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматовлар қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда уни мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий категория эканлигини ҳисобга олиб бир қатор натурал ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланиш зарурлигини айтишиб уни яқунловчи асосий кўрсаткичи сифатида рентабеллик даражасидан фойдаланишни тавсия этишади. (Фермер хўжалигини жадал ривожлантириш

қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилидир. Республика илмий-амалий анжумани материллари. АМИИ. Андижон – 2009 й 170-175 бетлар).

А.А.Абдуллаев, Б.С.Рахмоноваларнинг таъкидлашларича ҳозирги кунда пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликларининг аксарияти агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш учун зарур бўлган техника воситалари ва кадрлар билан тўла таъминланмаган (Фермер хўжалигининг техник-технологик мустақиллигини таъминлашнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани материллари. АМИИ. Андижон – 2009 й 175-180 бетлар).

О.Зокиров ва А.Пардаевларни асослашларича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни интенсивлик (жадаллаштириш) даражаси асосий ишлаб чиқариш харажатлари (амортизациядан ташқари) йиғиндисини тегишли ер ресурслари бирлигига нисбати билан аниқланади. Уларни таъкидлашларича ҳар бир гектар экин майдонига қанча кўпроқ асосий ишлаб чиқариш воситалари ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари сарфланса ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш даражаси шунча юқори бўлади. Уларнинг фикрича жадаллаштириш даражаси фойдаланилган қўшимча ишлаб чиқариш ресурслари қийматини ер майдонига нисбати билан ҳам белгиланади. Улар ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг самарадорлигини олинган қўшимча соф маҳсулот қийматини фойдаланилган ишлаб чиқариш ресурслари қийматига нисбати билан аниқлашни тавсия этишади (О.Зокиров, А.Пардаев Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик. Т.: 2003 йил 243 бет)

2004 йил 26 августда қабул қилинган фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг (янги таҳрири) 3-моддасида фермер хўжалигига қуйидагича таъриф берилган. «Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкасидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир». (Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. Янги таҳрири. Т. Ўзбекистон. 2004 й. 3-бет).

О.Олимжонов ва бошқалар фермерлик фаолиятининг ташкилий-хукукий асосларига алоҳида тўхталишиб қуйидаги фикрларни билдиришган «Фермер хўжаликлари фаолиятининг хукукий асослари бўлиб 1998 йил апрел ойида қабул қилинган Ер кодекси, 2004 йил август ойида қучга кирган янги тахрирдаги фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тасдиқланган хукукий-меъёрий ҳужжатлар, шунингдек фермер хўжалигининг Устави ҳисобланади» (Фермерлик фаолиятининг хукукий ва молиявий асослари. Тошкент. Университет. 2005 йил 18 бет).

Президентимиз И.А.Каримов фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб таъкидлайди «Модомики, фермерлик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самарали усули экан, бу ҳаракатга кенг йўл очиб бериш, фермерларни мулк эгасига айлантириш, маъсулиятини ошириш, ерни уларга 50-100 йиллик муддатга ижарага бериш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш орқали бу мақсадга эришиш мумкин. Шуларнинг ҳаммасини инобатга оладиган бўлган, биз фермер хўжаликларини, таъбир жоиз бўлса, бамисоли ёш боладек асраб-авайлаб тарбиялашимиз лозим» (И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., Ўзбекистон – 2005 й. 72-73 бетлар).

Б.Т.Салимов, Б.Б.Беркинов ва бошқаларнинг билдирган фикр-мулоҳазаларига кўра «Самарали хўжалик юритиш рақобатли бозор муҳитида хўжаликнинг яшовчанлиги ва тараққиётини белгилаб берувчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар чекланган ҳарактерга эга бўлиб, бу ҳолат улардан имкони борича унумли, самарали фойдаланишни талаб этади» (Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўқув қўлланма. Тошкент 2004 й. 134 бет).

Ф.Жўраев ва бошқаларнинг билдирган фикр-мулоҳазаларига кўра «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер ҳудудларини ташкил қилиш

дейилганда ер майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади. Бу тизим қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташки чегараларини, ички бўлимларининг чегараларини, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибини белгилаш ва ишлаб чиқариш марказлари, аҳоли яшайдиган қишлоқлар, мелиорация ва йўл шаҳобчаларини ҳамда бошқа коммуникацияларни жойлаштириш, хўжаликни сув билан таъминлаш манбаларини аниқлаш тадбирларини ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалигида ер ҳудудини ташкил қилиш, ер тузиш ишларини ўтказиш орқали амалга оширилади”.(Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш. Дарслик. Тошкент 2004 й).

1.3.

Ердан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Ер ресурслари қишлоқ хўжалигининг энг асосий ишлаб чиқариш воситалари экан, улардан қандай фойдаланилганини билиш зарур. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

а) Умумий ер фондидан фойдаланиш коэффиценти (фоизда).

Унинг даражасини аниқлаш учун қишлоқ хўжалигида ҳақиқатда фойдаланилган ер майдонини фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонига тақсимлаш лозим. Буни қуйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$ЕФК = \frac{ФЕ}{ФМЕ}; \text{ ёки } \frac{ФЕ}{ФМЕ} \times 100:$$

Бунда: ЕФК—умумий ер фондидан фойдаланиш коэффиценти, (фоизда);

ФЕ—қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдони, га;

ФМЕ – фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдони, га.

Бу кўрсаткич коэффицентда ёки фоизда аниқланиши мумкин. Уни аниқлаш натижасида ердан фойдаланишнинг тўлиқлик даражаси аниқланади. Уни ҳақиқий даражаси, яъни коэффиценти 1 дан ёки 100 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бу кўрсаткични аниқлаш натижасида тармоқда (хўжаликда) қанча ердан фойдаланилган ва қанчасидан фойдаланилмаганлиги билинади. Шундан сўнг бундай ҳолнинг сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

б) Фойдаланиш мумкин бўлган ерлардан бир йилда неча марта фойдаланилганлик даражаси. Уни аниқлаш учун ҳақиқатда уруғ, чигит экилган майдонни мавжуд экин экилган ер майдонига тақсимланади. Бунда қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$ЕФС = \frac{УЭМ}{ФМ}$$

Бунда: ЕФС-ердан фойдаланиш сони, яъни 1 га майдондан неча марта фойдаланилганлик сони;

УЭМ- бир йил мобайнида уруғ, чигит экилган майдон, га;

ФМ- фойдаланилган ер майдони, га;

Бу кўрсаткич ёрдамида бир майдонга неча марта экин экиб, фойдаланилганлик даражаси, яъни сони аниқланади. Демак, унинг сони бирдан кўп бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мавжуд бўлган ерлардан бир неча марта экин экиб, ҳосил олишга интилиш лозим.

г) **Ер (экин) майдонларининг маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги.** Бу кўрсаткич асосан экин турлари ҳамда умумий майдон бўйича, натурал ҳамда қиймат кўринишларида аниқланади, яъни улар 1 гектар фойдаланилган майдондан қандай маҳсулотларни қанча миқдорда (кг, цен, тонна) ҳамда неча сўмлик маҳсулот ёки фойда олинганлиги аниқланади. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$\text{ЭХ} = \frac{\text{ЯХ}}{\text{ЭМ}};$$

Бунда: ЭХ- 1 га экин майдонидан олинган ҳосил миқдори, ц;

ЯХ- экин экилган майдондан олинган ялпи ҳосил миқдори, ц. ёки тоннада;

ЭМ- экин экилган ҳақиқий майдон, га.

Бу кўрсаткич ёрдамида 1 гектар экин экилган майдондан қанча миқдорда ҳосил олинганлиги экин турлари бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Унинг миқдори қанча кўп бўлса шунча яхши. Бу кўрсаткич у ёки бу экин экилган майдоннинг маҳсулдорлигини исботлайди. Жами экин майдонлари маҳсулдорлигини аниқлаш учун кўрсаткични қуйидаги қиймат кўрсаткичларида аниқлаш, бунинг учун ҳар бир экиннинг ялпи ҳосили қийматини аниқлаб олиш лозим. Сўнгра уларнинг йиғиндисини аниқлаш керак.

$$\text{ЕМ} = \frac{\text{ЯМК}}{\text{ЭМ}} : \frac{\text{ЯДК}}{\text{ЭМ}} : \frac{\text{СФ}}{\text{ЭМ}}$$

Бунда: ЕМ- фойдаланилган ерларнинг маҳсулдорлиги. Яъни, бир гектар экин экилган ёки яйлов, пичанзор майдондан неча сўмлик ялпи маҳсулот, ялпи даромад ҳамда соф фойда олинганлиги аниқланади;

ЯМК- олинган ялпи маҳсулот қиймати, сўмда;

ЭМ- экинлар экилган майдон, га;

ЯДК- олинган ялпи даромад суммаси;

СФ- олинган соф фойда суммаси.

Янги асрда ёш, мустақил, келажаги порлоқ ва буюк республикаимиз тинчликка, демократияга асосланган ҳолда сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан ривожланган давлатлардан бирига айланиши муқаррар. Бунинг учун эса у ўз ҳудудидаги барча бойликлардан оқилона, самарали фойдаланиши лозим, шу жумладан, ер ресурсларидан ҳам.

Ермамлакатимизнинг умумий бойлиги эканлиги Республика Конституциясида ва «Ер кодекси»да алоҳида таъкидланган. Ер -ҳалқимиз ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асосидир. Ундан фақат бугунни эмас, келажак авлодларнинг ҳам манфаатларини кўзлаб, илмий асосланган ҳолда, оқилона, самарали фойдаланиш, уни муҳофаза этиш умуммиллий долзарб масала ҳисобланади. Ўта муҳим бу вазифа ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилнинг 23 декабрида «Ер мониторинги тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлади. Ер мониторинги республика ер фондидаги барча ўзгаришларни ўз вақтида илмий асосланган ҳолда аниқлаш, ерларга тўлиқ баҳо бериш (сифат ҳамда иқтисодий жиҳатдан), уларга таъсир этувчи салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини изчил тугатиш мақсадида ернинг ҳолатини қузатиб бориш билан боғлиқ бўлган ахборотлар тизимидан иборатдир. Республикаимизнинг барча ерлари мониторинг объекти ҳисобланади.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, республикадаги бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг бевосита иштирокида амалга оширилади.

Низомда вазирликлар ва идоралар фаолиятини ва ер мониторинги маълумотларини умумлаштиришдек муҳим вазифа Ўзбекистон Республикаси

Ер ресурслари давлат қўмитаси зиммасига юклатилган. Демак, юксак давлат аҳамиятига молик бўлган вазифани муваффақиятли ҳал этишда қўмита таркибидаги барча идоралар, ташкилотлар фаол қатнашишлари зарур. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда «Ўздаверлойиҳа» институтининг Ер кадастри шўъба корхонаси ер мониторинги амалга оширилишини таъминлашга қуйидаги йирик масалаларни ҳал этиш билан ҳисса қўшишни режалаштирмоқда: қишлоқ хўжалик ерлари тупроқ мониторингини амалга ошириш учун тупроқшунослик тадқиқотларига оид тўпланган барча маълумотларни умумлаштириб, мониторинг тадқиқотларини олиб бориш мақсадида республика, вилоятлар ҳамда туманлар ҳудудида асосий майдонларни ташлаш ва уларни асослаш; вақт ўтиши билан тупроқларнинг асосий хусусиятлари ўзгарганлигини исботловчи маълумотларни теран ва тўлиқ таҳлил этиш; тадқиқот олиб бориладиган асосий ҳамда экологик майдонларда тупроқларнинг ҳолатини исботловчи кўрсаткичлар мажмуасини асослаш, ташкил этиш ҳамда юритиш; тупроқнинг ҳолатини кузатиш, унга оид маълумотларни сифатли тўплаш ҳамда уларга ўзгартиришлар киритиш керак. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини сув ва шамол эрозияси таъсири оқибатида ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари шўрланганлик даражасининг ўзгариш жараёни мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари оғир металллар билан заҳарланганлик ҳамда заҳарланганлик даражасининг ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг техноген ўзгариши мониторинги; нефть маҳсулотлари салбий таъсири натижасида тупроқларнинг ифлосланиши мониторинги; барча ўсимликларнинг оғир металллар билан заҳарланиш даражаси мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг гербицит ва пестицидлар билан заҳарланиш даражаси мониторинги; минерал ўғитлардан фойдаланиш натижасида тупроқлар таркибидаги ўзгаришлар мониторинги амалга оширилади.

Илмий ҳамда амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланган бу ишларни ўз вақтида, сифатли бажариш учун малакали мутахассисларга эгамиз. Лекин, бу

борада кўзланган мақсадга эришиш катта маблағни талаб этади. Бу маблағ эвазига эса корхонанинг моддий-техника таъминоти барпо этилиши ҳамда ривожлантирилиши лозим.

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат. Давлат ер кадастри юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида барча ташкилот, корхоналарда фуқароларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган. Давлат ер кадастри ернинг қийматини (баҳосини) аниқлашни тақозо этиб, ўз ичига олган бўлади. Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкалари бериш (сотишда) ва уларни олиб қўйишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда татбиқ этилади. Давлат ер кадастри бутун республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат ер кадастри ва ер тузиш ҳизмати органлари (Давлат ер қўмитаси) томонидан юритилади.

Демак, ер кадастри қуйидагилардан ташкил топади:

- ердан фойдаланувчилар;
- ер майдони, унинг таркиби, сифати;
- ерни иқтисодий баҳолаш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ерларни иқтисодий баҳолаш бир қанча иқтисодий муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим. Энг аввало, ер умумхалқ, давлат мулки сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқдир. Шунда мамлакат миллий бойлигининг таркиби— ернинг қийматини, улушини аниқлаш имконияти яратилади. Шунинг билан биргаликда ернинг асосий восита сифатида баҳоланиши ҳам ҳал этилиши лозим. Юқоридаги муаммоларнинг ҳал этилиши бозор иқтисодиёти шаклланаётган Ўзбекистонда ҳам ер муносабатларини такомиллаштиришга муайян ҳисса қўшиши мумкин.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишни диверсификациялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий юқори самарали технологияларни жорий этиш ҳамда хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 2013 йилга нисбатан 6,9%га ўсишини таъминлади. Ҳисобот йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жами ҳажми 36957,0 млрд. сўмни ташкил этиб, жумладан деҳқончиликда – 21810,4 млрд.сўмлик (106,9%), чорвачиликда—15146,6 млрд. сўмлик (107,0%) маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришилди.

Сўнгги йилларда, республикада экин майдонлари таркибий тузилмасини озиқ-овқат экинлари майдонларини кенгайтириш ҳисобига босқичма-босқич мақбуллаштириш бўйича аниқ мақсадли йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилмоқда, шунингдек шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш бўйича фаол тадбирлар амалга оширилмоқда.

2008-2014 йиллар давомида экин майдонлари таркибий тузилмасини мақбуллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, пахта майдонларини-124,0 минг гектарга қисқартирилишини ва бошоқли дон

экинларини-74,6 минг гектарга, картошкани-20,4 минг гектарга, сабзавотларни-29,1 минг гектарга, полиз маҳсулотларини-9,3 минг гектарга кенгайтирилишини таъминлади.

2014 йилда барча тоифадаги хўжаликларда қишлоқ хўжалик экинлари майдони 3678,0 минг гектарни ташкил этди. Шундан, картошка экилган майдон- 80,3 минг гектар (2013 йилга нисбатан 102,6%), сабзавотлар-191,9 минг гектар (101,4%), полиз маҳсулотлари-51,5 минг гектар (101,8%)ни ташкил этди.

Бундан ташқари, боғлар ва резаворлар майдони кенгайтирилиб, 2014 йилда 262,5 минг гектарга етди ва 2008 йилга нисбатан 47,6 минг гектарга ёки 22,2% га ошди.

2 Боб Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлили.

2.1 Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ - иклим шароити.

Равнақ тонги фермер хўжалиги Избоскан туманидаги фермерликни ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнида танлов якунлари бўйича 2006 йил 29 январдаги Избоскан тумани ҳокимининг 421-К-сонли қарори билан ташкил этилган. Фермер хўжалиги ташкил этилишнинг бирламчи даврида деҳқончиликка ихтисослаштирилган бўлиб хўжаликда пахта ва буғдой маҳсулотлари етиштирилган. Охириги йилларда Равнақ тонги фермер хўжалиги нафақат Избоскан туманида балки вилоятда фермер хўжаликлари ичида маҳсулот ишлаб чиқариш борасида қатор намунали иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлди.

Равнақ тонги фермер хўжалиги Андижонвилояти Избоскан туманининг Янгиқишлоқ массивининг Янгиқишлоқ қишлоқ фуқоролари йиғинида жойлашган. Фермер хўжалиги вилоятмарказидан 32 километр, туман марказидан 12 километр узоқликда жойлашган. Пахта тозалашзаводидан 7 километр ва дон маҳсулотларини қабул қилиш корхоналари мос ҳолда 11 километр узоқликда, фермер хўжалиги туман ОАЖ МТПсидан 7 километр ҳамда Ўзагрокимё ташкилотидан 10 километр шунинг билан биргаликда Пиллакашлик корхонасидан 10км, нефтбазадан эса 10 км узоқликда жойлашган.

У собиқ Янгиқишлоқ ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 2005 йил 26 декабрдаги 5-сонли йиғилишининг баённомаси ҳамда Жамоатчилик Кенгаши томонидан ўтказилган танловининг якуний босқичи тўғрисидаги хулосалари асосидатуман ҳокимининг 2006 йил 29 январдаги 421-К - сонли қарори билан ҳуқуқий шахс сифатида ташкил топди. У дастлаб 2006 йилда 48 гектарерга узоқ муддатли ижара ҳуқуқи асосида эгалик қилган бўлиб, 2006 йилохирида тман ҳокимимнинг қарорига асосан

фермер хўжалигининг ер майдони 90гектар этиб белгиланди. 2010 ва 2011 йилларда хўжаликнинг умумий майдони 300 гектаргача етган бўлиб, фермер хўжалигига Кўчарбой орзуси фермер хўжалиги ҳамда Дилмурод нияти фермер хўжаликларининг ер майдонлари қўшилган. 2012 йил ноябр якунида унумдорлиги паст, бегона ўт кўп ерларни туман захирасига 93 гектар ер майдонини топширди ва 207 гектарли майдонда фаолиятини давом эттирди.

Фермер хўжалигига ер участкаси 45 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун берилди. Ушбу ерларни суғоришда фермер хўжалиги **Охунбобоев сув истеъмолчилари уюшмаси** орқали оқова сувларидан суғориб келади.

Фермер хўжалиги шарк томонидан «Абдурашид ишончи» фермер хўжалиги билан, ғарб томонидан «Наврўзобод зироатчи » фермер хўжалиги билан, жануб томонидан «Каримжон ишончи» фермер хўжалиги билан, шимол томонидан эса Учқўрғон тумани билан чегарадош хисобланади.

Равнак тонги фермер хўжалиги Агробанкнинг Пойтуғ бўлимида ўз хисоб рақамини очган бўлиб, банк х/р 20208000304452129001, МФО 00045 солиқ тўловчининг ИНН 206002873 билан ўз операцияларини амалга ошириб келмоқда.

Фермер хўжалиги деҳқончиликка, хусусан пахта ва ғалла йўналишига ихтисослашган. Ушбу фермер хўжалиги 45 йил муддатга ижарага берилган ер участкасининг мелоратив ҳолати талаб даражасида бўлиб ер ости сувларидан 3-4 метр чуқурликда жойлашган, ерлари шўрланмаган. Рельефи текисликдан иборат. Тупроги типик оч бўзтупрок хисобланиб, нисбатан олинганда тупрок унумдорлиги, фойдали элементлар ва гумус микдори ўртача.

Фермер хўжалиги Янгиқишлоқ массивидаги илгор хўжаликлардан бири хисобланади. Равнак тонги фермер хўжалигининг охириги уч йилдаги фаолиятини тахлилини қуйидаги манбалар орқали кўриб чиқамиз.

1-жадвал

Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкаларини тақсимооти ва тупрок бонитет баллари тўғрисида маълумот

Контур тартиб рақами	Умумий ер майдони	Шундан					Бонитет бали
		Экин ери	тут	арик	йўл	Иморат остида	
386	10	9		0,5	0,5		63
387	11	9,8			0,2	1	66
388	15	13	0,5	0,5	0,5	0,5	66
389	17	15	0,6	1	0,4		65
390	16	14	1	0,5	0,3	0,2	65
401	13	12		0,2	0,8		67
402	12	11	0,6	0,4			64
403	16	14	0,5	0,5	0,6	0,4	64
Жами	110	97,8	3,2	3,6	3,3	2,1	65

Манба: Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигининг охирги уч йиллик ҳисоботлари

1-жадвалда Равнак тонги фермер хўжалигининг узок муддатли ижарага берилган ер участкасининг ҳолати ҳақида маълумот берилган. Равнак тонги фермер хўжалигига ажратилган ер участкаси 8контурдан иборат. Жумладан 110гектари ер майдони булиб, шундан 97,8 гектарига экин майдони ҳисобланади. Фермер хўжалигини охирги уч йилда ер участкаларини таркиби ўзгарган. 2012 йилда жами ер майдони 300 гектарни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 110 гектарни ташкил этган.

Шу сабабли фермер хўжалиги экин майдонини таркиби ҳам ўзгарган яъни 65,3 фоизга камайган. Жумладан 2014 йилда 52 гектарига пахта, 45,8гектарига буғдой экилган.Ер майдонини бонитети 65 балл бўлиб, 8такартадан иборат.Сугориш картасининг ҳажми унда техника воситаларидан, меҳнат ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда янги технологияларни жорий этиш имкониятларини беради. Сабаби юқоридаги талабларга жавоб бера олиши учун сугориш карталарининг ҳажми камида уч гектарни ташкил этиб, бир томонининг узунлиги 1000

метрдан кам булмаслиги керак. Бу жихатдан фермер хўжалигида сугориш карталарига куйилган талабларга тула жавоб беради.

Хўжалик ерлари пахта ва буғдой етиштириш учун анча қулай ерлар ҳисобланади. Хўжаликнинг тупроғи оч тусли бўз тупрок, тупрокдаги фосфор миқдори 32-43 мг/кг, калий 100-188 мг/кг ни ташкил этади ва бу ўртача меъёр ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир гектар ҳисобига органик ўғит солиш меъёри 15-20 тоннани азот 160-200 кг ни фосфор 170-190 кг ни калий 70-95 кг ни ташкил этади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалиги экин майдонлари унумдорлигини асословчи балл бонитет кўрсаткичлари ва 4 кадастр гуруҳининг 7 синфига мансуб бўлиб, ўртача 65 баллни ташкил этади.

2-жадвалда Равнак тонги фермер хўжалигини экин майдони ва уни таркиби берилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги йилларда фермер хўжалигининг жами экин майдони таҳлил этилаётган 2012-2014 йилларда ҳажми 65,3 фоизга камайган. Хўжаликдаги пахта майдонлари 156 гектардан 52 гектаргача камайган. Пахта экин майдони 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 66,7 %га ёки 104 гектаргача, буғдой экилган майдонлар эса 126 гектардан 45,8 гектарга камайган.

Жами экин майдонига нисбатан пахта майдонларининг улуши 55,3% дан 53,2% га камайган, ғалла майдонларининг улуши эса аксинча 44,7% дан 46,8 % га камайган. Шу билан бир вақтда пахта ҳосилдорлиги 9,1% га кўпайган, буғдой ҳосилдорлиги 9,7%га ортиши таъминланган. Фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги ўртача булиб, гектарига 36 центнерни ташкил этади, ғалла буйича ҳам яхши кўрсаткичга эга, яъни 68 центнерни ташкил этади. Лекин хўжаликда пахта ва ғалла ҳосилдорлигини янада кутариш имкониятлари мавжуд. Фермер хўжалигида пахтани **Андижон-35 нави**, буғдойни эса Краснадар 99 нави экилади.

**Избоскан туманидаги Равнак тонги
фермер хўжалигини экин майдонлари ва унинг таркиби**

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч бир	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014йил 2012 йилга нисбатан.	
						фарқи+,-	салмоғи %
1.	Жами экин майдони	га	282,0	189,7	97,8	-184,2	34,7
	Пахта майдони	га	156,0	99,7	52,0	-104,0	33,3
	Салмоғи	%	55,3	52,6	53,2	-2,1	96,1
	-ҳосилдорлик	ц/га	33,0	35,0	36,0	3,0	109,1
	-ялпи ҳосил	ц	5148,0	3489,5	1872,0	-3276,0	36,4
	Бугдой майдони	га	126,0	90,0	45,8	-80,2	36,3
	Салмоғи	%	44,7	47,4	46,8	2,1	104,8
	-ҳосилдорлик	ц/га	62,0	67,0	68,0	6,0	109,7
	-ялпи ҳосил	ц	7812,0	6030,0	3114,4	-4697,6	39,9
2.	Ходимлар сони	нафар	126,0	108,0	57,0	-69,0	45,2
	-пахтада	нафар	101,0	90,0	48,0	-53,0	47,5
	-бугдойда	нафар	25,0	18,0	9,0	-16,0	36,0
3.	Ерни банитет бали	балл	65,0	65,0	65,0	-	100,0

Манба: Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари

Жумладан, хўжаликка узок муддатга ижарага берилган ер участкасининг бонитет бали 65 ни ташкил этиб уни кутариш чора-тадбирларини куриш лозим. Яъни ер участкасининг мелоратив ҳолатини ошириш мумкин. Ундан ташкари хўжаликда самарали технологиялардан фойдаланиш имкониятлари хам бор.

Фермер хўжалигида 2014 йилда 57нафар ходимлар фаолият курсатиб ундан48 таси пахтачиликда ва 9таси ғаллачиликда банд.

Асосий воситалар дебишлаб чиқаришжараёнида кўп марта қатнашиб, ўзининг қийматини маҳсулотга қисман ўтказадиган воситаларга айтилади. Асосий воситалар таркибига қуйидагилар киради: тракторлар, комбайнлар, кишлок хўжалиги машиналари, автомашиналари, бино-иншоотлар, кўп

йиллик дарахтзорлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган воситалар киради.

3 -жадвал

**Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер
хўжалигида 1.01.2015 йил ҳолатига мавжуд қишлоқ хўжалиги
техникалари ва уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумот**

т\р	Кўрсаткичлар	Ҳисобда бори - жами	Шундан: созлари	Салмо - ғи: %
1.	Тракторлар – жами	5	5	100
	шундан: а) пахта	4	4	100
	б) буғдой	1	1	100
2.	Юк автомобиллари			
3.	Трактор тиркамалари жами	19	19	100
	Шундан: тарасиз юк ташийдиган тиркама			
4.	Трактор омовлар	1	1	100
5.	Экиш техникаси	2	2	100
6.	Культиваторлар	2	2	100
7.	Ўғит солиш техникаси	1	1	100
8.	Чизел	2	2	100
9.	Ўзапоя юклагичлар			
10.	Текислагичлар	1	1	100
11.	Ариқ ва канал тозалагичлар	2	2	100
12.	Бараналаш мосламаси	6	6	100
13.	ОВХ-28. штанги	2	2	100

Манба: Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари

Равнак тонги фермер хўжалигини моддий-техника базасини қуйидаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз. 3-жадвалда Андижон вилояти Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалиги 2010-2011-2012 йиллари Агробанкдан фермер хўжаликларига берилган имкониятлардан фойдаланиб лизингга 1 та МХ-135 хайдов трактори АҚШда 1999 йилда ишлаб чиқарилган 80000000 сўмга сотиб олинган. ДТ-75 хайдов трактори Россияда 2002 йилда ишлаб чиқарилган 80000000 сўмга сотиб олинган. ТТЗ-80 ҳамда ТТЗ-100 чопиқтракторларини 22000000 сўмга сотиб. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги техникаларига керакли қишлоқ хўжалиги машиналари билан тўла

таъминланган. Улар жумласига 2 та культиватор, 6 та бароналаш 1 та чизел, 1 та ер текислаш агрегати, 1 та омор, 1 та шарбат ташийдиган махсус бочка ва шу каби бошқа мосламалари бор. Барча техникалар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг техник жиҳатдан созлиги талаб даражасида бўлиб мунтазам техник кўриклардан ўтказилиб турилади.

Бундан ташқари фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади. Юқорида келтирилган маълумотлар Равнак тонги фермер хўжалигини тумандаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган, йирик ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини тўла асослайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Равнак тонги фермер хўжалигида жами 57 нафар ходимлар бўлиб, улардан 2 таси фермер хўжалигининг аъзолари ҳисобланади, улар ҳақидаги батафсил маълумотлар 4- жадвалда келтирилган. Фермер хўжалиги аъзоларидан 1 нафари олий маълумотли ва 4 нафари ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар бўлиб, қолган барча аъзолар ўрта маълумотга эгадир. Фермер хўжалиги аъзоларининг барчаси билан меҳнат шартномаси тузилган. Фермер хўжалиги аъзоларидан ташқари мавсумий ёлланма ишчи кучларидан ғўза чопиқ, бегона ўтлардан тозалаш каби агротехник тадбирлар вақтида самарали фойдаланиб келинмоқда.

Равнак тонги фермер хўжалигида ишлаётган ходимлар сонини таҳлил қиладиган бўлсак 2012 йилдаги 126 нафардан 2014 йилда 57 нафарга қисқарган ёки 45,2% ни ташкил этган. 2014 йил ҳолатига 97,8 гектар экин майдонидаги жами 57 нафар ходимлардан 48 нафари ёки 84,2% қисми пахтачиликда, қолган 9 нафари ёки 15,8% қисми эса ғаллачиликда иш билан банд.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш тартиби амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади ва тартибга солинади.

4-жадвал

***Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигини аъзолари ва
уларнинг таркиби тугрисида маълумот***

№	Аъзоларнинг фамилияси ва исми	Тугил- ган йили	Маълу- моти	Касби	Иш стажи	Фермер хўжалиги бошлигига кариндош- уруғчилик алокаси	Қўшимча эгаллага н касби
1	Исақов Музаффар	1984	Тўлиқ сиз олий	ферм/хўж бошлиғи	10	ферм/хўж бошлиғи	шафёр
2	Исақов Ш	1960	ўрта	сувчи	7	дадаси	
3	Исақов Мирзоҳид	1990	Ўрта мах	ишчи	9	укаси	-
4	Хатамов Абдурасул	1967	олий	бухгалтер	27	-	Тадбир- кор
5	Тохиров Козим	1979	ўрта	ишчи	10	-	сваршик
6	Махсудов Наби	1975	ўрта	сувчи	14	-	-
7	Усмонова М	1966	ўрта	ишчи	20	-	чевар
8	Усмонова А	1964	ўрта	ишчи	15	-	ҳамшира
9	Юнусова Саида	1982	ўрта	ишчи	8	-	Чевар
10	Иминов Жасур	1979	Ў/мах	сувчи	10	-	Дурадгор
11	Максудова Санам	1964	Ўрта	ишчи	15	-	-
12	Тохиров Ойбек	1979	Ўрта	ишчи	10	-	-
13	Камолжонов Хаёт	1975	Ўрта	ишчи	14	-	-
14	Парпиев Шухрат	1982	Ўрта	ишчи	8	-	-
15	Собиров Баходир	1979	ў/мах	ишчи	10	-	Дурадгор
16	Очилов Неъмат	1979	ўрта	ишчи	10	-	-
...	...	...	...	...	...	...	...
26	Каримов Алижон	1975	ўрта	ишчи	14	-	-
27	Уринбоев Уткир	1982	ў/мах	ишчи	8	-	-
...	...	...	...	...	...	...	...
57	Юлдашев А	1980	ўрта	сувчи	10	-	-

	Жами 57нафар						
--	--------------	--	--	--	--	--	--

Манба: Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари

Фермер хўжалигини раҳбари Исаков Музаффаржон Шарафутдинович 1984 йилда Избоскан туманининг Янгиқишлоқ қишлоқ фуқаролари йиғинида туғилган.

2001 йилда ўрта мактабини тамомлаб, 2001-2006 йилгача Қувасой тадбиркорлик ўқув илмий ишлаб чиқариш марказининг талабаси, 2006 йилдан бошлаб фермер хўжалигини раҳбари.

Хўжалик раҳбари фермер хўжалигини агротехник, ташкилий-иқтисодий асосларини яхши тушунади ва бу соҳада етарли тажрибага эга.

Турмуш ўртоғи Исакова Сафура 1987 йилда туғилган. Фермер хўжалигида аъзо бўлиб ишлайди. Исаков Музаффаржоннинг 2та фарзанди бор, 1 ўғил ва қизи бор.

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Шунинг учун мазкур фермер хўжалиги массивда ва туманда ўз муносиб обрўсига эга. Фермер хўжалигининг аъзолари ҳақидаги батафсил маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигининг аъзолари ўз фаолият тури бўйича тегишли маълумотга эга бўлмасада, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича маълум тажрибага эга. Шу ўринда таъкидлаш керакки, фермер хўжалигининг 57 нафар аъзоси шартнома асосида меҳнат қиладилар.

Равнак тонги фермер хўжалиги ҳисобчиси Хатамов Абдурасул.Ўрта махсус маълумотга эга, стажи 22 йилни ташкил этади. Фермер хўжалигининг барча ишчилари яқдил равишда ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлишини англаган ҳолда пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштиришга интиломоқдалар.

2.2 Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлил этиши.

Қишлоқ хўжалик фермер хўжалигиларининг иқтисодий самарадорлик даражасига бир қанча омиллар таъсир этади. Тармоқнинг фойда суммасини ҳамда рентабеллигини ортишига асосий маҳсулотларнинг ишлаб чиқариб сотиш натижасида эришилган ютуқлар катта таъсир кўрсатмоқда

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ҳақида масала кўрилганда, «Самара» ва «Самарадорлик» - тушунчаларининг бир хил эмаслигини кўзда тутиш керак. «Самара» термини қандайдир жараённинг натижасини билдиради. Умумий кўринишда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида унинг вазифаси – ишлаб чиқаришнинг мақсадини амалга оширувчи пировард маҳсулот юзага чиқади. Бир томондан, у ўз таркибига маълум даврдаги ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг моддий натижаси йиғиндисини олади, бошқа томондан – ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади фақат бевосита ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг ҳажмида мужассамлашган бўлади.

«Самара»- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шаклида(натура ва пулда) ишлаб чиқариш ресурси, харажат, фойда сферасида эса иқтисодий, шунингдек ходимларнинг яшаш ва ишлаш шароитини ҳам акс эттирувчи социал ўсиш бўлиши мумкин.

Лекин самара қанчалик муҳим бўлса ҳам, ўз-ўзидан кишининг меҳнат фаолиятини тўлиқ характерламайди, қандай ресурс(харажатлар)лар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш орқали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурс(харажат)лар турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда қатнашган ресурслар(харажатлар) билан таққослаш зарурияти келиб чиқади.

Фермер хўжалигининг ривожланиши имкониятлари куп жихатдан унинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқдир. Иқтисодий самарадорликка

мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб окилона фойдаланиш асосидагина эришиш мумкин.

Иктисодий самарадорлик мураккаб иктисодий категория булиб бир катор натурал ва киймат курсаткичлари билан улчанади.

Натурал курсаткичларга хосилдорлик, ялпи хосил, сарфланган меҳнат миқдори, ер бирлиги ва ходим ҳисобига олинган маҳсулот турларининг миқдори ва шу каби бошқа курсаткичлар киради.

Киймат курсаткичлари жумласига ялпи маҳсулот, баҳо, таннарх, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда каби курсаткичлар ва уларни ер бирлиги ва ходимга тугри келиши киради.

Қиймат курсаткичлари ичида рентабеллик даражаси алохида урин тутади. У даромадлар билан харажатларни таккослаш йули билан аникланиб, бир сумлик харажат ҳисобига олинган фойдани акс эттиради.

Рентабеллик фойдаланиш ва куллаш жихатидан содда ва қулай иктисодий курсаткич ҳисобланиб, ундан илмий тадқиқотда ва амалиётда кенг қулланилади.

Иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омиллар:

- қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси;
- хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик ва улардан фойда ланиш даражаси;
- меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш ҳамда рағбатлантирилиши;
- ишлаб чиқаришнинг интенсивлашганлик даражаси;
- чорва ҳайвонлари, уларнинг маҳсулдорлиги;
- баҳолар, солиқлар, тўловлар даражаси;
- сув ресурслари, улардан фойдаланиш даражаси;
- давлат, маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағ ва бошқалар.

Биз ҳамРавнак тонги фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иктисодий самарадорлигини аниклашда рентабеллик даражасидан фойдаландик. У самарадорликнинг асосий якунловчи иктисодий кўрсаткич

булиб ҳисобланади. 5-жадвалда Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигини эришилган иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган.

***Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигини эришилган
иқтисодий самарадорлиги***

5-жадвал

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014йил 2012 йилга нисбатан%.
1	Экин майдони	га	282	189,7	97,8	34,7
	а) пахта	га	156	99,7	52	33,3
	б) бугдой	га	126	90	45,8	36,3
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	463884,2	352318,3	234433,0	50,5
	Шундан иш хаки	м.с	119204,9	88496,9	61923,2	51,9
3	Ходимлар сони	нафар	126	108	57	45,2
4	Ялпи маҳсулот	м.с	590058,2	450645,2	304540,3	51,6
5	Фойда	м.с	126174,0	98326,9	70107,4	55,6
7	1 га ҳисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	2092,4	2375,6	3113,9	148,8
	б) фойда	м.с	447,4	518,3	716,8	160,2
8	1 ходим ҳисобига					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	4683,0	4172,6	5342,8	114,1
	б) иш хаки	м.с	946,1	819,4	1086,4	114,8
9	Рентабеллик	%	27,2	27,9	29,9	+2,7

Манба: Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги анча яхшиланган. Буни биз самарарадорликнинг яқунловчи асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабелликдаражасиданяққолкўришимизмумкин.

1 гектар экин майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулотва

фойда 148,8 фоизга ҳамда 160,2 фоизга ошган. 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 114,1 фоизга ҳамда иш ҳақи 114,8 фоизга кўтарилган.

Рентабеллик даражаси шу даврда 27,2 фоиздан 29,9 фоизга яъни +2,7 даражага кўпайган. Эришилган рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражада анча юқоридир. Оптимал рентабеллик пахта ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари учун камида 45-50 фоизни ташкил этади. Шундагина фермер хўжалиги ўздаромадлари билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг белгиланган суръатларда амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

Биз ўрганган Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигида маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар ҳамма талабларга жавоб бера оладиган даражадаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Жумладан Пахта тозалаш заводи билан, дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонаси билан, фермер хўжалиги туман ОАЖ МТПсидан ҳамда Ўзкимё ташкилотлари билан биргаликда, Пиллакашлик корхонаси ҳамда , нефтбаза билан 1 йиллик шартномалар имзолаб ўз вақтида бажариб келишмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, оптималлаш жараёнларида Равнак тонги фермер хўжалиги ер майдони қисқарди. Фермер хўжалигининг қисқаришига сабаб катта ҳажмдаги ер майдонини мавжуд техника воситалари ва меҳнат ресурслари билан агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли бажаришга имкон топилмай қолди.

Аммо фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши билиши, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда контрактация шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида ижобий рентабелликка эришилмоқда.

Шу нуқтаи назардан Равнак тонги фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб

чиқариш ҳолатини ва моддий техника ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида иқтисодий самарадорликка эришишга ва меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида фермер хўжалигини охириги уч йиллик фаолиятини иқтисодий кўрсаткичлари асосида атрофлича ўрганиб чиқдик.

Юқоридаги келтирилган натижалар фермер хўжалигида аграр соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириб борилаётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда қабул қилинган инқирозга қарши кураш чораларини қишлоқ хўжалигида амалга оширишда асосий хўжалик юритиш шакли ҳисобланган фермер хўжаликларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун иқтисодий самарадорликни яқуний кўрсаткичи ҳисобланган рентабеллик даражаси камида 35-40 фоиз бўлишини тақозо этади. Фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни нафакат оптимал даражага етказиш, балки, ундан ҳам юқори даражаларга кўтариш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Бунинг учун эса фермер хўжалигида бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бошқаришдаги мавжуд ҳолатга барҳам бериш учун фермер хўжалигига олий маълумотли агроном мутахассисларни жалб этиш чораларини кўриш керак деб ҳисоблаймиз. Қишлоқ хўжалигини замон талаблари асосида ривожлантириш тармоқда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажминини ошириш, сифатини кескин яхшилаш ҳамда таннархини пасайтириш билан бевосита боғлиқдир. Бу жараёнда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланаётган харажатларни тежаш билан бир қаторда ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш алоҳида ўрин тутди.

Қишлоқ хўжалигида асосий экин ҳисобланган пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён бир қанча иқтисодий муносабатларни амалга оширишда тежамкорлик ва тадбиркорлик омилларидан самарали фойдаланишни талаб этади.

Пахтачилик иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ичида табиий омиллар, агротехнологик омиллар, ташкилий омиллар ва иқтисодий омиллар алохида ўрин тутadi. Айниқса пахта етиштиришда унинг иқтисодий самарадорлигига пахта етиштириш харажатлари кучли таъсир курсатади. Шу асосида мазкур тармоқда иқтисодий самарадорликни оширишда махсулот таннархини пасайтириш масалалари асосий уринда туради. Пахта хом ашёси ишлаб чиқариш таннархини шаклланишида харажат моддалари ичида моддий харажатлар алохида ўрин тутadi. Маълумотларга кўра охириги йилларда пахта хом ашёси етиштириш харажатларини 40-70 фоизгача қисмини моддий харажатлар ташкил қилмоқда. Охириги йилларда моддий харажатлар таркибига кирувчи ресурсларни нархларини кескин кутарилиши саноатда ишлаб чиқарилиб қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган моддий ресурслар ва қишлоқ хўжалик махсулотлари баҳолари ўртасидаги номутано сибликка сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва техника воситаларини ҳамда эҳтиёт қисмларни харид баҳоларини бунга яққол мисол келтириш мумкин.

Пахтачиликда моддий ресурслар сарфини камайтиришда асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ердан самарали фойдаланиш масалалари алохида урин тутadi. Чунки, тупроқ унумдорлигининг қай даражада эканлиги унинг сунъий унумдорлигини ошириш учун қанча микдорда минерал ўғитлар солинишини белгилайди. Шу ўринда пахтачиликда асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Чунки, мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг қатта қисмида мелиоратив ҳолати ёмон. Шунингдек, ерларни шўрланиш даражаси ҳамон юқориликча қолмоқда. Тупроқ банитети ўртача 60 балли ташкил этади. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар нафақат пахта ҳосилдорлигини пасайиши, балки тармоқ рентабеллигига, экологик ҳолатни бузилишига таъсир кўрсатмоқда. Шу асосда қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришда иқтисодий самарадорликка турли омиллар таъсир кўрсатади. Мазкур омилларни аниқлаш ва уларни таъсир этиш даражасини аниқлаш муҳим

ахамиятга эгадир. Хар қайси хўжаликни бирор маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш масалалари ана шу иқтисодий самарадорликка таъсир кўрсатувчи омиллар характерида келиб чиқиб хал этилади. Шу нуқтаи назардан Андижон вилояти, Избоскан туманидаги Равнак тонгифермер хўжалигида пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш асосида фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликка эришишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида фермер хўжалигини охириги уч йиллик фаолиятини иқтисодий кўрсаткичлари асосида атрофлича ўрганиб чиқдик. Фермер хўжалиги табиий иқлим, ер шароитлари ва сув билан таъминланган-лик даражасидан келиб чиқиб асосан пахта ва дон етиштиришга ихтисослаштирилган.

Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда давлат буюртмаси асосида пахта ва буғдой учун шартномавий муносабатлар асосида фаолият ташкил этилган бўлиб, аввало хўжаликда асосий экин ҳисобланган пахта етиштиришни иқтисодий самарадорлиги ўрганиб чиқилди. Бу ҳақдаги батафсил маълумотлар 6-жадвалда акс эттирилган.

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида пахта ҳосилдорлиги гектарига 33-36 центнер даражагача, яъни 9,1 фоизга ошган. Шунга мос ҳолда пахтачиликда ялпи маҳсулот ҳажми охириги уч йил мобайнида экин майдонларини камайиши ҳисобига 48,4 фоизга ва фермер даромади эса 45,1 фоизга камайган.

Пахтачиликда бир ходим ҳисобига иш ҳақи миқдори 808,3 минг сўмдан 905,1 минг сўмгача кўпайган, бу кўрсаткич охириги уч йил мобайнида пахтачиликдаги ҳар бир ходим ҳисобига тўланган иш ҳақини 12 фоизга ортганлигини кўрсатади. 1 центнер пахта таннархи охириги уч йил мобайнида 38,9 фоизга, 1 центнер пахтанинг сотиш баҳоси эса 41,8 фоизга ортган. Бу ҳолат албатта бутун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавжуд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва саноатда ишлаб чиқарилиб қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ресурсларнинг баҳолари ўртасидаги номуносиблик асосида юз берган.

6-жадвал.**Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигида пахта
ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.**

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014йил 2012 йилга нисбатан%.
1	Экин майдони	га	156	99,7	52	33,3
2	Хосилдорлик	ц/га	33	35	36	109,1
3	Ялпи хосил	ц	5148,0	3489,5	1872,0	36,4
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	291582,7	210486,6	147270,2	50,5
	Шундан иш хаки	м.с	81643,2	59988,7	43444,7	53,2
5	Ходимлар сони	нафар	101	90	48	47,5
6	Ялпи маҳсулот	м.с	341199,1	245088,5	175915,6	51,6
7	Фойда	м.с	49616,4	34601,9	28645,3	57,7
8	Фермер даромади	м.с	131259,6	94590,6	72090,1	54,9
9	1ц пахтани таннархи	сум	56640	60320	78670	138,9
10	1ц пахтани сотиш баҳоси	сум	66278	70236	93972	141,8
11	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2187,2	2458,3	3383,0	154,7
	б) фойда	м.с	318,1	347,1	550,9	173,2
12	1 ходим хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	3378,2	2723,2	3664,9	108,5
	б) иш хаки	м.с	808,3	666,5	905,1	112,0
13	Рентабеллик	%	17,0	16,4	19,5	+2,4

Манба: Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари

камайиши ҳисобига пахтачиликда ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиш даражаси 49,5 фоизга, ялпи маҳсулотни ўсиш даражаси 48,4 фоизга охириги уч йилда камайиб бормоқда. Фермер хўжалигини охириги уч йилда экин майдонини камайиши яъни кам рентабеллик, ўтлоқ ерларни туман ҳокимини захира ерларига қайтарилганлиги сабабли, пахтачиликдаги иқтисодий курсаткичлар таҳлили асосида фермер хўжалиги пахтачилигида иқтисодий самандорликнинг якуний кўрсаткичи бўлган рентабеллик охириги уч йил мобайнида 17,0 фоиздан 19,5 фоизгача яхшиланган. Пахтачиликдаги якуний иқтисодий кўрсаткич ҳисобланган рентабеллик охириги уч йил мобайнида бироз яхшиланган бўлсада, бу кўрсаткич оптимал рентабелликдан анча паст ҳисобланади. Пахтачиликда оптимал рентабеллик камида 35-40 фоизни ташкил этиши лозим.

Фермер хўжалиги пахтачилигида самарали натижаларга эришиш учун энг аввало пахта етиштириш учун сарфланадиган харажатлардан ўз ўрнида ва самарали сарфланиши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масалага аниқлик киритиш мақсадида биз фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатла рини охириги уч йил мобайнидаги иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Бу тўғридаги батафсил маълумотлар 7-жадвалда келтирилган. 7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатларининг асосий қисмини моддий харажатлар ташкил этмоқда. Қишлоқ хўжалигида асосий экин ҳисобланган пахтани етиштиришда мазкур мақсадларга эришиш пахтачилик харажатлари таркибидаги моддий харажатлардан тежаб тергаб фойдаланишни талаб этади. Биз ўрганаётган фермер хўжалиги пахтачилигида бу кўрсаткич 2012йилда 57,4 фоизни ташкил этгани ҳолда 2014йилда 58,3 фоизгача ўсмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш технологиясида уруғлик, ўғитлар, ЁММ ва турли хизматлар алоҳида ўрин тутди лекин юқорида келтирилган вазифалардан келиб чиқиб бу турдаги харажатларни тежаш билан боғлиқ бўлган чора тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

7-жадвал

**Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигида пахта
етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби.**

№	Харажатлар тури	2012	%	2013	%	2014	%
1	Моддий харажатлар	167368,5	57,4	121029,8	57,5	85858,5	58,3
	а) уруглик	14870,7	5,1	12208,2	5,8	8688,9	5,9
	б) угитлар	68813,5	23,6	48622,4	23,1	36081,2	24,5
	в) Ё.М.М	53068,1	18,2	34309,3	16,3	25919,6	17,6
	г) иш ва хизмат- лар	11954,9	4,1	10103,4	4,8	7069,0	4,8
	д) бошка моддий харажатлар	18661,3	6,4	15786,5	7,5	8099,9	5,5
2	Мехнат хаки харажатлари	81643,2	28	59988,7	28,5	43444,7	29,5
3	Ижтимоий ажратмалар	23909,8	8,2	18312,3	8,7	10161,6	6,9
4	Асосий воситалар ва номоддий ак- тивларни эскири- ши	9039,1	3,1	6525,1	3,1	5301,7	3,6
5	Бошка харажатлар	9622,2	3,3	4630,7	2,2	2503,6	1,7
	жами	291582,7	100	210486,6	100	147270,2	100

Манба: Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари

Фермер хўжалиги пахтачилигида моддий техник ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичлари туман бўйича фермер хўжаликларининг ўртача кўрсаткичларига нисбатан бироз юқори. Шу асосда Равнак тонги фермер хўжалиги пахтачилигида моддий техник ресурслардан тежаб тергаб самарали фойдаланиш чора тадбирларини кўришимиз керак бўлади.

Шунингдек, фермер хўжалиги пахтачилигида меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий ажратмалар, асосий воситаларни эскириши ва бошқа харажатлар

учун мўлжалланган маблағлардан ҳам самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш керак.

Хўжаликнинг иктисодий самарадорлик омилларидан бўлган пахта сифатини кўриб чиқамиз. 8-жадвалда Равнак тонги фермер хўжалигида етиштирилган пахтанинг навлар бўйича тақсимланиши акс эттирилган.

Етиштирилган пахта хосилининг ялпи маҳсулоти микдори тайёрлов корхоналарига етказилган пахтанинг қайси навга қабул қилинишига боғлиқ. Жумладан, 2014 йилда 1-синфдаги 1-нав пахта хом ашёсининг 1 кг ҳажми учун давлат тайёрлов ташкилотлари томонидан 860 сўмдан тўланган бўлса, 2-навга топширилгандаёқ катта фарқ билан 802 сўм тўланган, яъни сотиш баҳоси 7,1% га пасайган. Равнак тонги фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида **Андижон 35** пахта нави экиб келинган.

8-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014 йилда мазкур фермер хўжалигида сотилган пахтанинг 80 фоизи ёки 1497,6 центнери юқори 1-навларга тегишлидир. Бундан ташқари, 374,4ц ёки 20% пахта 2-навга топширилган.

2012-2014 йилларда вилоятнинг барча ҳудудлари сингари пахта теримини камида 80% кўсаклар очилганда бошланган ва бирданига териб олинган. Ушбу чора тадбирлар ўз ижобий натижасини берган ҳолда 2014 йилда 80 % пахта 1-навга топширилган. Ушбу ҳолат фермер хўжалигининг пахтадан салмоқли пул даромади олишининг омили бўлган.

Хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш керак.

Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигини сотилган жами пахтасини навлар бўйича таксимланиши.

Саноат нави	Синфлари	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		Миқдори центнер,	%	Миқдори центнер,	%	Миқдори центнер,	%
1	1	3902,2	75,8	2638,1	75,6	1497,6	80
	2						
	3						
	Жами	3902,2	75,8	2638,1	75,6	1497,6	80
2	1	731,0	14,2	764,2	21,9	374,4	20
	2						
	3						
	Жами	731,0	14,2	764,2	21,9	374,4	20
3	1	514,8	10	87,2	2,5		
	2						
	3						
4	1						
	2						
	Жами						
5	1						
	2						
	Жами						
	Хаммаси	5148,0	100	3489,5	100	1872	100

Манба: Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари

Равнак тонги фермер хўжалигида пахта етиштиришни 25-30% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган пахта етиштиришни кўпайтириш дастури тузиш зарур.

Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг энг илгор тажрибалари тўпланган, шунинг учун ҳам фермер хўжалигининг бу соҳадаги 2014 йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари Избоскан

туманида пахта етиштириш бўйича фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини ўртача кўрсаткичлари билан таққосланди. 9-жадвал.

Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигини Избоскан тумани фермер хўжаликлари билан пахта етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари. (2013йил).

9-жадвал.

№	Курсаткичлар	Ул чов бирлиги	Избоскан тумани	Равнак тонги фермер хўжалиги	%
1	Экин майдони	га.	8350	52	X
2	Хосилдорлик	ц\га	33,3	36	108,1
3	Ялпи хосил	ц	278055	1872	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	23020173,5	147270,2	X
5	1ц пахтани таннархи	сум	82790	78670	95,0
6	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	89600	93972	104,9
7	Ялпи маҳсулот	м.с	24913728	175915,6	X
8	Фойда	м.с	1893554,6	28645,3	X
9	1 га хисобига:				
	а) ялпи маҳсулот	м.с	2983,7	3383,0	113,4
	б) фойда	м.с	226,8	550,9	242,9
10	Рентабеллик	%	8,2	19,5	+11,3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Равнак тонги фермер хўжалигини пахтачиликдаги барча иқтисодий кўрсаткичлари Избоскан тумани пахтачилигида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг

Ўртача кўрсаткичларидан биров яхши. Буни биз ҳосилдорликни юқорилигидан, 1 центнер пахта таннарини арзонлигида, 1 центнер пахтанинг ўртача сотиш баҳосини юқорилигида ва нисбат пахтачиликдаги иқтисодий самарадорликнинг якуний кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасини 11,3 фоизга юқорилигида кўришимиз мумкин. Юқорида келтирилган маълумотлар фермер хўжалигида пахта етиштириш кўрсаткичлари туман фермер хўжаликлари кўрсаткичларидан биров яхши эканлигини кўрсатсада, пахтачиликдаги самарадорлик лекин ҳали талаб даражасида эмас. Фермер хўжалиги пахтачилиги самарадорлигини талаб даражасига етказиш чора-тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Равнак тонги фермер хўжалиги иқтисодий кўрсаткичларини тахлили, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолати, ердан фойдаланиш самарадорлиги, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ҳолати ҳамда етиштирилган маҳсулот сифати ҳақидаги маълумотлар асосида фермер хўжалигида мамлакатимизда қабул қилинган инқирозга қарши кураш чораларида келтирилган вазифаларни изчиллик билан бажариш учун етарли даражада имкониятлар мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Маълумки, аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар тармоқда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш йўли билан қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини оптималлаштириш асосида пахта экин майдонларини қисқартириш ҳисобига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш орқали мамлакатни озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистонда мустақил ривожланиш йилларида ғаллачиликни тезроқ ривожлантириш комплекс чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигида ҳам буғдой етиштиришга мўлжалланган. Бу соҳада олиб борилаётган ишларни қуйидаги 10-жадвал маълумотлари орқали таҳлил қилишимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалиги охириги 3 йилда нафақат пахта етиштиришда, балки ғалла-

чиликда ҳам бир қатор ютуқларга эришган. Хўжалик ўзига бириктирилган ер участкасининг 46,8 фоизга яқинида яъни 45,8гектар ер майдонида кузги бугдойнинг Краснадар 99 навини етиштирган. Хўжалик 2012йилда 2014 йилга нисбатан бугдой етиштириладиган экин майдонининг 63,7 фоизга камайгани ҳисобига, ҳосилдорлик 9,7 фоизга ортиқ бўлгани билан сўнгги

**Избоскан туманидаги Равнак тонги фермер хўжалигида бугдой
ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.**

10-жадвал

№	Курсаткичлар	улчов бирли ги	2012	2013	2014	2014йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	126	90	45,8	36,3
2	Ҳосилдорлик	ц/га	62	67	68	109,7
3	Ялпи ҳосил	ц	7812,0	6030,0	3114,4	39,9
4	Ишлаб чиқариш хара-жатлари	м.с	172301,5	141831,6	87162,7	50,6
	Шундан иш хаки	м.с	37561,7	28508,2	18478,5	49,2
5	Ходимлар сони	нафар	25	18	9	36,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	248859,1	205556,7	128624,7	51,7
7	Фойда	м.с	76557,6	63725,0	41462,0	54,2
8	Фермер даромади	м.с	114119,3	92233,2	59940,5	52,5
9	1ц бугдойни таннархи	сум	22056	23521	27987	126,9
10	1ц бугдойни сотиш баҳоси	сум	31856	34089	41300	129,6
11	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	1975,1	2284,0	2808,4	142,2
	б) фермер даромади	м.с	905,7	1024,8	1308,7	144,5
12	1 ходим ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	9954,4	11419,8	14291,6	143,6
	б) иш хаки	м.с	1502,5	1583,8	2053,2	136,7
13	Рентабеллик	%	44,4	44,9	47,6	+3,1

йилларда ялпи ҳосил 60,1 фоизга камайган. Нарх-навонинг муттасил ошиб бориши шароитида хўжаликда олинган ялпи маҳсулот қиймати охириги 3 йилда 48,3 фоизга камайган. 1центнер ҳосилнинг таннарҳига 26,9фоизга нисбатан сотиш баҳосининг 29,6 фоизга тезроқ ўсган. Хўжалик фаолиятига

ҳолис баҳо беришга имкон бермайди. Бунинг учун биз 1 гектарҳисобига ҳамда 1 ҳодим ҳисобига олинган кўрсаткичларни таҳлил қилиб чиқамиз. 1 гектарҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот ва фермер даромади кўрсаткичлари мос ҳолда 42,2 ҳамда 44,5 фоизга ошган. 1 ҳодим томонидан етиштирилган ялпи маҳсулот эса 43,6 фоизга ошган. Бу натижага эришишда ўз билим ва тажрибалари билан қатнашган ҳодимларга берилаётган эътиборни 1 ишчига тўғри келган иш ҳақи миқдорининг 36,7 фоизга етганлигида кўришимиз мумкин. Бу хўжаликнинг мавжуд ресурсларидан оқилона фойдаланганлигидан далолат беради. Хўжаликнинг ғаллачиликдаги иқтисодий самарадорлигига якуний ҳулосани рентабеллик даражасининг 44,4 % дан 47,6 % га ошганлиги беради. Бу хўжаликнинг охириги 3 йилдаги ғаллачиликда эришган ютуқларининг исботи ҳисобланади.

Шу сабабдан хўжаликда етиштирилган буғдой ҳосили учун сарфланган ҳаражатлар таркибини таҳлил қилиб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ғалла етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар охириги 3 йил мобайнида ҳам нарх- навонинг кўтарилиши натижасида ҳам экин майдонларининг кенгайиши ҳисобига муттасил ортиб борган. Буғдой етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар таркибида салмоқли улушни моддий ҳаражатлар ташкил қилиб, охириги 3 йилда 65,1-66,2 фоизни ташкил этган. Моддий ҳаражатларнинг асосий қисмини ўғитлар ҳамда уруглик учун кетган сарф-ҳаражатлар ташкил этган. Иш ҳақи учун ажратилган ҳаражатлар йилдан-йилга қупайиб бориб, ўртача 21,8-21,2 фоизни ташкил қилган. Сарф ҳаражатлар таркибини тўғри тақсимлаш хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга ҳизмат қилувчи омил бўла олади. Олдинги бобларда таъкидлаб ўтилганидек фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш хўжаликнинг янги замонавий техника воситалари билан таъминланиши учун қулайлик яратади. Бу эса ўз навбатида қўл меҳнатининг камайиб, механизациялашган иш ҳажмининг ошишига олиб келади.

**Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида бугдой
етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби.**

11-жадвал

№	Харажатлар тури	2012	%	2013	%	2014	%
1.	Моддий харажатлар	112168,3	65,1	93325,2	65,8	57701,7	66,2
	а) уруглик	19987,0	11,6	17019,8	12,0	11069,7	12,7
	б) угитлар	30669,7	17,8	24678,7	17,4	15689,3	18,0
	в) Ё.М.М	20331,6	11,8	17303,5	12,2	10110,9	11,6
	г) иш ва хизматлар	32048,1	18,6	26097,0	18,4	15776,5	18,1
	д) бошка моддий харажатлар	9132,0	5,3	8226,2	5,8	5055,4	5,8
2.	Мехнат ҳақи харажатлари	37561,7	21,8	28508,2	20,1	18478,5	21,2
3.	Ижтимоий ажратмалар	9132,0	5,3	7091,6	5,0	4532,5	5,2
4.	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	6719,8	3,9	5956,9	4,2	3137,9	3,6
5.	Бошка харажатлар	6719,8	3,9	6949,7	4,9	3312,2	3,8
	жами	172301,5	100,0	141831,6	100,0	87162,7	100,0

Механизациялашган иш ҳажмининг ортиши асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши номли харажат моддасининг салмоғи кўпайишини тақозо этади. Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш ва бошқарув жараёнида амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан самарали фойдаланилгани туфайли охириги йилларда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам айтарли ижобий натижаларга эришиб келинмоқда.

Лекин, юқорида келтирилган иқтисодий кўрсаткичлар асосидаги эришилган самарадорлик кўрсаткичлари ҳали талаб даражасига якин бўлсада,оптимал самарадорликни тўла таъминламайди.Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришида оптимал самарадорликка эришиш рентабелликни камида

40 фоиз бўлишини такозо этади. Демак, хўжалик ФТТ ютуқларидан фойдаланиб, йул кўйилган камчиликларни бартараф этган ҳолда хўжалик иқтисодий рентабеллигини оптимал даражага кўтариши лозим.

Фермер хўжаликда хўжалик юритишнинг, ерга эгалик ва ундан фойдаланишнинг янги шакллари мужассамланиши, бошқариш тизимининг бозор муносабатларига мосланиб бориши, экинлар структурасининг бозор талабига қараб такомиллаштирилиши, маҳсулот етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчилар ҳамда маҳсулот сотиб олувчилар ўртасидаги муносабатларнинг шартнома асосида олиб борилиши, мамлакат қишлоқ хўжалигида барқарорликни таъминловчи асос бўлиб хизмат килмоқда.

2.3 Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишда агротехнологияларни самарали ташкил этиш

Ҳурматли Президентимиз Ислом Абдугалиевич Каримов ибораси бўйича Ер-давлатимизни энг асосий бойлигидир. Бу бежиз эмас-яъни Ер-халк бойлиги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий воситасидир.

Тупрокнинг унумдорлигини ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш куп жихатдан унга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлишига, уни яхшилашга қаратилган мажмуасига боғлиқ.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар, асосан, суғориладиган майдонлар бўлиб, 4,28 млн гектарга тенг. Бу ерлар ҳақиқатдан ҳам Республикамизнинг "Олтин фонди"ни ташкил этади ва уларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоизидан ошиқроғи етиштирилади.³

Шуларни эътиборга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг изчиллик билан жадалаштириш, ер фондидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ҳар гектарининг унумдорлигини, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар ечимини ишлаб чиқиш гоят катта аҳамият кашф этади. Бу борада тупрок унумдорлигини сақлаш, йил сайин мунтазам ошириб бориш қишлоқ хўжалик мутахассислари зиммасидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупрок унумдорлигини тиклаш ва мелиоратив тизимлар қуриш, улардан фойдаланишга боғлиқ табирилар утқишига давлатнинг катта маблағлар ажратилганлиги бежиз эмас.

Афсуски, бугунги кунда тупрок қатлами емирилмокда, яхши унумдор ерлар камайиб бормокда, тобора жадаллик билан таназзулга юз тутмокда.

З.Х.М.Махсудов, Н.Б.Раупова, Б.С.Камилов ТУПРОК УНУМДОРЛИГИ ВА МУХОФАЗАСИ ШУ КУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ ЙУНАЛИШИДИР ("Ўзбекистон тупроқларининг унумдорлик ҳолати, муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш масалалари" Республика илмий-амалий конференцияси Тошкент 2013.)

Тарихий давр мобайнида миллиард гектарга якин ердан инсоният махрум булган (шахарлар, манзилгохлар, иншоотлар, йулар билан банд булган, эрозия емирган, шур босган, бугланган ва хакозо). Х,озирги вақтда бутун сайёрада 1,5 миллиард гектар ерга қишлоқ хўжалик экинлари экилади. Олинган маълумотларга кура дунёда ҳар йили 6-7 миллион гектарча ердан юқорида айтгандек махрум бўлинади.

Ер аҳолисининг учдан икки қисми кашшоклик ва очлик шароитида яшаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозир сайёрамизнинг ҳар бир аҳолисига ҳайдаладиган ер 10-20 йил аввалгидан камроқ тугри келишини назарда тутсак, тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини икки қарра, уч қарра қупайтириш энг якин келажакда дехқончиликнинг асосий вазифаси бўлиб қолиши лозимлиги яққол намоён бўлади. Ер ресурсларидан ҳар томонлама оқилона фойдаланмай, тупроқ қатламини турли емирилиш-эрозияланиш ва бугланишлардан муҳофаза қилиш чораларини қучайтирмай, қишлоқ хўжалиги билан алоқадор булган, мақсадли ерларни тежаб-тергаб ишлатиш йуларини қилмай туриб, гоят мушкул вазифани ҳал этишнинг иложи қийин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ табиий объектлар, жумладан ер, умумхалқ бойлиги ва улар давлат муҳофазасида туради. Ўзбекистон Республикаси истиклолга эришиши ва мустақил суверен давлат деб эълон қилиниши ва ҳуқуқий ҷамият қуриши, ўз ҳудудида ер муносабатларини тартибга солишда ва ривожлантиришда, ҳамма соҳаларда мустақилликка эришганлиги унинг қонунларини янгилаш ва такомиллаштиришга имқон бери.

Мамлакатимиз аграр соҳада ислохатларни ҳуқуқий ҷихатдан таъминлаш мақсадида бир қанча қонунлар ва уларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шу жумладан, ер муносабатлари ҳуқуқи асосида ривожлантириш ва тартибга солиш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси", "Ер кадастри"

тугрисидаги конунлар ва бошка конунлар Олий мажлис томонидан қабул қилинди ва тасдиқланди.

Инсоннинг нотугри ташкил этилган турли хил фаолияти таъсирида тупрок катлами емирилади ва бугланади. Эрозия-тупрокка мана шундай таъсир утказилишининг гоят кенг тарқалган ва ҳалокатли оқибатидир.

Тупрокни эрозиядан сақлаш муаммоси дунёнинг арид иклими минтақасида жойлашган қўпгина мамлакатлар учун, шу жумладан Ўзбекистон ҳудуди учун ҳам долзарб муаммодир. Чунки, республикада эрозияга учраган ер майдонлари 2 млн гектарга яқини ёки ҳайдаладиган ерларнинг умумий майдонларини 40% дан қўпроғини ташкил этади.

Бизнинг маълумотларимизга қўра, Ўзбекистон ҳудудида фойдаланиш учун яроқли бўлган 3 миллион гектардан қўпроқ лалми ерлар мавжуд, шулардан қам таъминланган в ярим таъминланган лалми ерлар ҳиссасига салқам 1 миллион гектари тугри келади, бў лалми ерларни 70 фоизидан қўпроғи юза сув эрозиясига қалинган.

Ўзбекистонда эрозияга учраган тупроқларнинг таснифи ишлаб чиқилган ва республикадаги эрозия ҳавф солаётган ерларнинг ҳаритаси тўзилган. Эрозия жараёнининг таъсири остида бироз-қам эрозияланган, уртча эрозияланган, қўчли эрозияланган, тупрок ва қўқинди яъни, ювилиб келтирилган тупроқлар ҳосил бўлади-қи, улар тупрок қатламининг қалинлиғи, гумус, озуқа элементлари (микро ва макро элементлар) захираси ва тарқиб, микроорганизмлар микдори ва сифати, қимёвий ва физикавий ҳоссалар, биоэнергетика қўрсатқичлари ўзғариши туфайли унумдорлик даражалари турлича эканлиғидан қалолат беради. Шу нарса маълумқи, ирригация эрозияси таъсирида тупрок емирилиши натижасида ҳар йили гектарига 100-150 тоннагача ва ундан қам қўпроқ, нишаблиғи 5° дан қўпроқ бўлган қиялиқларда эса қатто 500 тоннагача тупрок ювилиш мумқин. Ана шу тупрок билан бирга гектарига бир йилда 500-800 кг гумус, 100-120кг азот, 75-100 кг фосфор, айрим ерларда ундан қам қўпроқ озуқа моддалари йуқолиши мумқин. Шўни таъқидлаш қераққи, эрозия жараёнлари тупрок

экосистемасига ёмон таъсир килиб, биомассадаги фойдаланилган куёш энергияси микдорига салбий таъсир этиб, уни камайтиради. Эрозия жараёнлари натижасида фитомассада, гумусда ва тупрок таркибидаги микроорганизмларда ютилган куёш энергиясининг 30-50 фоизи ва ундан купроги йукотилади, тупрокда содир буладиган биологик, тупрок жараёнларининг интенсивлиги асосан куёш энергиясининг захиралари ва сочаётган нур қуринишнинг ўзгаришлари билан боғлиқ эканлигини эътиборга олганда эрозия томонидан экосистемага етказиладиган зарар микёсларини тасаввур этиш мумкин.

Суғорилиб дехкончилик қилинадиган майдонларда тупрокнинг иккиламчи шурланиши ва боткоккланиш жараёнлари кўзтилмокда. Дунё бўйича суғориладиган ерларнинг деярли 40 фоизи турли даражада шурланган. Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг 2,5 млн гектарга яқини шурланган, бунга сабаб тупрок ҳоссаларини ва грунт сувлар чуқурлигини ҳисобга олмасдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, ортикча суғориш, коллектор-зовурлар системасини ёмон ишлаши ва бошқалар грунт сувларини кутарилиши сабабли баъзи ерлар боткоккланиб кетган. Яна бир экологик муаммо ерларни сахроланишини кучайиши ҳозир китъаларнинг 36-40 фоизи чулга айланган, ҳар йили 25 млн гектар ер сахроларга айланмокда.

Гумус тупрок унумдорлигини белгиловчи муҳим омилдир, лекин кейинги йилларда тупрокда дегумификация жараёни натижасида, Ўзбекистоннинг пахтачилик районлари тупрокларида 40-50 фоизгача гумус камайган, натижада тупрокнинг биологик фаолияти ёмонлашган.

Шунинг учун агроэкосистемаларда энергия балансини, моддалар балансини мусбат курсаткичга кутариш учун ёки муътадиллаштириш учун тупрокда, бизнингча органик модда йиғилишини купайтириш зарур. Бунинг учун "Тупрок-усимлик-биомахсулот" тизими формуласини "Тупрок-усимлик-чорва моллари-биомахсулот" тизими шаклига утказиш керак.

Яна бир муаммо, тупрокни зичлашишидир. Тупрок зичлашиши уни ҳаво, сув, иссиқлик режимини ёмонлашиши, микроорганизмларни

фаолиятини сусайишига, натижада тупрокни унумдорлигини пасайишига олиб келади. Бу муаммони ечиш учун далага огир техникани киришини камайтириш, ерга ишлов беришни тартибга солиш, уни минималлаштириш зарур. Олинган маълумотлар шуни курсатдики, тупрок зичлиги 1,4 г/см гача булгандагина усимлик яхши ривожланади.

Республика вилоятларидаги фермер хўжалиги ва фермерлар рахбарларига суғориб дехкончилик килинаётган тупроқларда куйидаги тадбирларни утказишга алохида эътибор бериш лозим:

Қишлоқ хўжалик экинларидан юкори ҳосил олишда тупрок унумдорлигини белгиловчи омиллардан бири- унинг физик ҳоссасидир.

Тупрокда етарли намлик ва озика моддалари, макбул агрофизик ва микробиологик хусусияти саклангандагина қишлоқ хўжалик экинлари яхши ривожланади ва мул ҳосил беради. Бунга эришиш учун суғориш меъёрларини белгилашда тупрок типлари, уларнинг сув-физик ҳоссалари, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги майдонларнинг зовурлар билан таъминланганлиги ҳисобга олиниши зарур. Экинларни тупрок дала нам сизими 65-70 фоиз булганда 700 дан 900-1100 м га меъёрида суғоришга эришиш зарур.

Суғориладиган тупроқлар ҳайдов ости катламининг зичланишини олдини олиш мақсадида пуштага экиш ва минимал ишлов бериш технологиясини кенг жорий этиш лозим. Таҷрибаларда аникланишича, вегетация даврида ҳар куб сантиметр ҳажмидаги тупрок зичлиги пушталарда 1,20-1,35 г/см тенг булиб, макбул ҳолатда сакланиб туради. Пуштага экилган экинлар зарур булган сув, ҳаво ва озикадан яхши фойдаланади, озика моддалар тенг таксимланади, тупрокнинг биологик ва биокимёвий фаоллиги кучаяди. Тупрок ҳарорати чигит экилган даврда 2-5 даража юкори булади, баҳорги ёгин-сочинлар кам таъсир килади. Текис ерга экилганга нисбатан каткалок кам булади, кучат текис униб чиқади, пуштадаги тупрок суғориш пайтида яхши намланади ҳамда сув 1,5-2 баробар тезрок шимилади. Пуштага экилган экиннинг усиши, гуллаши, ҳосил туғиши ва унинг пишиб етилиши

текис ерга экилганига нисбатан 6-8 кунга тезлашади, хар гектаридан урта хисобда 4-6 центнер куп ҳосил олинади.

Тупрокларнинг ишлаб чиқариш қобилиятига салбий таъсир курсатувчи ва улар унумдорлигининг пасайишига олиб келувчи омиллардан бири сув ва суғориш эрозиясидир. Энг кучли суғориш эрозияси жараёнлари паст тоғлар, тоғ ости ва тоғ олди минтақасидаги тук тусли ва типик бўз тупрокларда кўзатилади. Суғориш эрозиясига учраган ерлар майдони 682,6 минг гектарни ташкил этади. Суғориладиган деҳқончилик шароитида тупрокнинг ирригацион эрозияси оч тусли ва типик бўз тупрокларда кенг тарқалган бўлиб, у сув эрозиясининг бир қуринишидир. Тупрокнинг суғориш эрозияси, асосан, нишаб ерларда экинларни куп сув қуйиб суғориш оқибатида содир бўлади. Майдон нишаблиги 1,5-2⁰ бўлганда тупрок юзасини сув ювиб кета бошлайди, қиялик ортиб бориши билан эрозия жараёни янада қучайиб боради. Бунинг энг ҳавотирли жойи шундаки, суғориш эрозияси жараёни натижасида тупрокнинг гумусли қатлами ҳамда озика моддалари ювилиб кетади. оқибатда суғориладиган ерларимиздан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш самарадорлиги пасаяди. Ундан ташқари, қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган уғитлар ва зараркунанда ҳашоратларга қарши қулланилаётган қимёвий моддаларнинг бир қисми тупрокдан ювилиб кетиши натижасида сув ҳавзаларида йигилиб, атроф-муҳитга салбий таъсир курсатади.

Дефляция (шамол эрозияси)га учраган майдонлар вилоятнинг Бекабод туманидаги енгил механик таркибли, қумли, қумокли ва енгил қумокли тупрокларида кенг тарқалгандир. Шамол тезлиги секундига 10-15 метрга етганда, маҳаллий ёки доимий эрозия жараёни вужудга келади. У деярли сезилмасида, тупрок унумдорлигини пасайтиради, унинг устки қисмини аста-секин емириб учуриб кетади. Дефляцион жараёнларда шамолнинг тезлиги ва тупрок заррачаларининг катта-кичиклиги асосий урин тутати. Дефляцион жараёнларнинг биринчи критик тезлигида тупрок заррачалари ер устида ҳаракатлана бошлайди, иккинчисида - сакраб учати, учинчисида - заррачалар ерга тушади ва ниҳоят туртинчи критик тезликда бу ҳаракат тухтайди.

Сув ва шамол эрозиясига қарши комплекс тадбирлар қўллаш, сув оқими ва тезлигини бошқариш яхши натижалар беради. Тупрокни ювилишидан, емиришдан ва дефляциядан сақлаш, эрозияланган, лалми ва яйлов ерларнинг унумдорлигини оширади. Ҳозиргача ишлаб чиқилган ҳар хил услублар сув, ирригацион ва шамол эрозиясининг олдини олишда, ҳамда тупроқлар унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Суғориш (ирригация) эрозияси салбий таъсирини камайтириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

^ суғориш техникасини мукаммаллаштириш. Тупроқ юза қисми қиялигининг катта кичиклигига қараб суғориш меъёрларини белгилаб бериш.

^ суғориш эрозиясига қарши кимёвий воситаларини қўллаш. Бу мақсадда синтетик полимерлар, поликомплекслар (К-4, К-9, ТНМ-1) ва гумин препаратларини (гидролизланган лигнин, аммонийлаштирилган кумир, гуммофос, гумин кислотаси) қўллаш зарур. Синтетик полимерлар тупроқ юза қисмида сунъий структура ҳосил қилади. Яхши структураланган тупроқларнинг эрозияга қаршилиқ курсата олиш қобилияти юқори бўлади.

Ҳар бир суғоришдан аввал жуякка 20 кг/га миқдорида К-9 полимери солиш натижасида эрозияга учраган тупроқларда сувга чидамли макроагрегатлар миқдори ошади, уларнинг сув-физикавий ва агрокимёвий ҳоссалари яхшиланади, гўза ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги ортади.

суғориш эрозиясига қарши биологик воситаларни қўллаш. Эрозияга қарши биологик воситалардан биогулмус, хлорелла ва кук-яшил сув утларини қўллаш яхши натижалар беради. Бу биологик воситалар тупроқни органик моддалар билан бойитади ва структурасини яхшилади, фойдали микроорганизмлар тури ва сонини қўпайтиради, гўза ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширади.

Бундан ташқари, турли агротехник усулларни қўллаш, яъни ушбу йуналишда вилоятда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мумкин: оралиқ экинларни экиш, эрозияга учраган тупроқларнинг сув-физикавий

хоссаларини яхшилаш учун қатор ораларига бентонит солиш ва тупроқнинг ювилганлик даражасига қараб, органик ва минерал угитларни табақалаб қуллаш.

Шамол эрозиясининг олдини олиш ва шамол таъсирида эрозияланган тупроқларни унумдорлигини тиклаш ва оширишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

- > ихота дарахтзорларини экиш - шамолнинг асосий кучи шу дарахтларга урилиб, тезлик камаяди, 3,5,7 қаторли ихота дарахтзорлари, қаторлари сонидан катъий назар тупроқни ва экинларни деярли бир хил масофада шамол эрозиясидан химоя қилади. Ихота дарахтзорларнинг биринчи қаторига тол, терак, қайроғоч, охирги қаторга тут ёки мевали дарахтлар экиш мақсадга мувофиқ бўлади.
- > шамол эрозиясига қарши агротехник (куп йиллик утлар экиш) чоратадбирларини амалга ошириш зарур.
- > ихота экинлари, ихота дарахтзорлар ушиб вояга етгунга қадар маданий экин ниҳолларини экиш шамол эрозиясидан сақлайди. Ихота экинзор барпо қилиш учун кўзги бугдой, жавдар, маккажухори ва тез усадиган бошқа экинлар экилади.
- > қумли ва қумлоқ тупроқли ерлар унумдорлигини оширишда, шамол учиришини бартараф этишда коллектор-зовурларни тозалаб, чиқарилган механик таркиби огир булган лойли-балчикдан ҳар бир гектар ерга 10 т дан солиш муҳим агромелиоратив тадбир ҳисобланади.

> шамол эрозиясига қарши кимёвий кураш усуллари ҳам қулланилади. Улар омбор колдиги, нэрозин, латекслар, «К» ва ССБ хилдаги моддалардир. Эрозияга қарши курашда ССБ, нерозин ва К-4 препаратлари яхши самара беради.

Тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи сабабларидан яна бири-тупроқда гумус ва озика элементлари микдорининг камайишидир. Ҳар йили экиладиган гўза, донли усимликлар, мева, сабзавот ва полиз экинлари

суғориладиган тупроқлардан олиб чикиб кетаётган озика элементлар урнини органик ва минерал угитлар куллаш йули билан коплаётган хўжаликлар тупроқларида гумус, азот, фосфор, калий, олтингугурт ва бир катор микроэлементлар микдори етарлик даражада булиб, аксинча уларнинг урни копланмаётган хўжаликларда тупроқ унумдорлик даражаси пасайиши кўзатилмокда.

Демак, суғориладиган тупроқларнинг унумдорлик даражасини ошириш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кутаришда органик ва минерал угитлардан тугри фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Шу сабабли, органик ва минерал угитлар куллаш масалаларига алоҳида эътибор каратмок зарур. Бунда ички имкониятлардан келиб чиккан ҳолда ноанъанавий угитлар (бентонит, глауконит, вермикулит, дарё ёткизиклари, кумир саноати ва шаҳар чикиндилари) ва улар асосида тайёрланган компостларни, таркибида озика элементи булган ҳом-ашё ва чикиндилардан фосфорит, фосфогипс кабиларни куллаш муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

3 БОБ Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрни.

3.1. Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларини ишлаб чиқариши омили сифатидаги хусусияти

Қишлоқ хўжалигининг асосий хусусиятларидан бири, бу аграр ишлаб чиқаришнинг муҳим омили бўлиб ернинг хизмат килишидадир. Албатта, ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштириш жойи сифатида ер иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида иштроқ этади, аммо қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришида ер факат жой сифатида эмас, балки бевосита ишлаб чиқариш кучлари сифатида иштроқ этади.

Қишлоқ хўжалигида, биринчи навбатда ерни унумдорлиги, зарурий озиқа моддаларини маданий ўсимликларга бериш қобилияти баҳоланади. Шундай қилиб, ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида икки функцияни бажаради – ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш учун жой ва ишлаб чиқаришнинг асосий омили. Ернинг унинг усти қисмидаги тупроқнинг тавсифларига ва тупроқ ҳосилдорлигининг турлича кўрсаткичларга эга бўлишлари мумкин.

Шу муносабат билан турли хил ер участкаларида бир хил натижа олиш учун, бошқа ишлаб чиқариш омиллари- капитал ва меҳнатнинг турлича харажатлари талаб қилинади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқариши учун ер участкаларининг жойлашуви муҳимдир. Албатта ишлаб чиқаришнинг жойлашуви иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида маълум аҳамиятга эгадир: бир хил ишлаб чиқариш турларини хомашё базаларига, иккинчиларни истеъмолчиларга жойлаштириш самарали бўлиш мумкин. Ишлаб чиқариш жойлашувининг иқтисодий омиллари қишлоқ хўжалигида ҳам муҳим рол ўйнайди. Масалан, қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришининг айрим тармоқлари истеъмолчига яқин бўлишга интилса, бошқалари транспорт омилига унчалик таъсирчан эмас. Рефрежератор (музлаткич) транспорти, ҳамда тез бузиладиган қишлоқ хўжалиқ ва озиқ-

овқат маҳсулотларини консервациялаш усуллари ривожланиши билан, масофа омили ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда.

Аммо ишлаб чиқришни жойлаштиришни иқтисодий омилидан ташқари, қишлоқ хўжалигида табиий иқлим омили ҳам муҳим рол ўйнайди. Самарали қишлоқ хўжалик ишлаб чиқриши учун нафакат тупроқнинг унумдорлиги, балки бошқа табиий иқлим шароитлари ҳам зарурдир: сув мувазанати, ҳарорат режими, вегетация даврининг давом этиши (қишлоқ хўжалик экинлари ўсиши ва ривожланиши мумкин бўлган давр) ва бошқалар. Шунинг учун ҳам турлиминтакалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқриши учун турли хил тақослама фойдага эгалар. Унинг ушбу хусусияти пасайиши мумкин: ноқилона агротехника, сув ва шамол эрозияси, антропоген ифлосланишлар ва ҳақозолар унга сабаб бўлади. Қуритиш ва суғориш, агро-ўрмон-мелиорация, кимёлаштириш сингари мелоратив ишлар, ерларнинг табиий ҳосилдорлигини оширишлари мумкин. Бугинги кунда техник таррақиётининг ривожланганлик даражаси ҳатто Якин Шарқ сингари дунёнинг чўл минтакаларида ҳам деҳқончилик қилиш имкониятини чратади, анъанавий деҳқончилик ҳудудлари эса юқори ва мустаҳкам ҳосилларга эришиш имкониятини беради.

20 аср ўрталаригача ер ресурслари омили устунликка эга бўлди: қишлоқ хўжалиги ерининг мавжудлиги ва унинг сифатига жуда ҳам боғлиқ эди. Айнан шу сабаб туфайли қишлоқ хўжалик соҳасида тақлиф эластиглиги паст бўлган ишлаб чиқришни кенгайтириш учун оборотга кўпроқ ер жалб этиш лозим эди. Ернинг миқдори чекланган, кўрик ерларни ўзлаштириш эса вақт ва инестицияларни талаб қилади. Аммо ушбу тармоқдаги техник тараққиёт, ишлаб чиқришни механизациялаштириш, кимёвий воситаларни қўллашни кенгайтириш, селекция, генетик муҳандислиги технологияларини ривожлантириш билан деҳқончиликни оборотга қиритилган ер миқдори ва сифатига бўлган боғлиқлиги пасайиб бормоқда. Ўсимликшунослик маҳсулотларини кўпайтириш учун экинзорлар майдонини кенгайтириш, кўрик ерлари ўзлаштириш шарт эмас, балки минерал шғитлар беришни

кўпайтириш, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли юқори ҳосилдорликка эга навларни кўллаш етарлидир. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари,(одатда улардаги табиий кўрсаткичлар унчалик яхши эмас) деҳқончиликмаҳсулдорлиги камроқ ривожланган мамлакатлар,(одатда улардаги табиий кўрсаткичлар деҳқончилик учун кулай) деҳқончилигининг, маҳсулдорлиги билан тақослайдиган бўлсак, кўриниб турибтики, ривожланган мамлакатлардаги юқори агротехнологиялар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг юқорироқ тақлифини таъминлайдилар.

Қишлоқ хўжалигида ишлатилиши мумкин бўлган ерлар миқдори, ҳозирги кунда чекланган. Кўпгина ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалик ерларини кенгайтириш имконияти умуман йўқ.

Аксинча, дунёда шаҳарлар саноат қурилмалари, курортлар, инфратузилма тармоқлари, йўллар, тайёргоҳлар, коммуникация иншоотлар тизимини ривожлантирмоқда. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигидаги ер майдонининг аста секин қамаишига олиб келмоқда.

Ҳар бир алоҳида олинган фермер, вақт оралиғида ер майдонини кенгайтириш учун чекланган имкониятларга эга бўлади. Бу ер бозор иқтисодиётидаги энг тор бозорлардан биридир - ҳар йили оборотда қишлоқ хўжалик ерларининг атиги 1-3 % банд бўлади. Бу ҳол қисман қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ҳаракатчанлигининг пастлиги билан тушунтирилади. Ҳаттоки банкротликка учраган ёки нафақага чиқиб кетаётган фермер ҳам ерни ўзида сақдаб қолишни афзал кўради, бу оилавий анъаналар, қишлоқдаги турмуш тарзи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалигида ерларнинг ижара бозори ҳам фаол эмас: ижара шартлари кам ўзгариб туради, ижарага берилган ер эса ижарачиларни ундан ҳам кам алмаштиради.

Қишлоқ хўжалигида ерни ишлатиш муносабати билан яна бир ўзига хос иқтисодий категорияси юзага келади - ер рентаси, яъни ер эгасининг ерга эгалик қилишдан олган даромади. Рента фақатгина ер муносабатлари билан ва фақатгина деҳқончиликда юзага келмайди, аммо қишлоқ хўжалигида у

баркарор характерга эга бўлади ва аграр соҳадаги иқтисодий муносабатларга катта таъсир кўрсатади.

Ер ўзи билан катта кийматни акс эттиради ва қишлоқ хўжалигидаги узоқ муддатли кредитлар бўйича кафолатлар учун фаол тарзда қўлланилади. Шундай қилиб, ер аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омили бўлиб хизмат қилади. Ушбу муносабат билан деярли барча мамлакатларнинг иқтисодиёти ва иқтисодий ҳуқуқидаги унга бўлган муносабат ҳам алоҳида: алоҳида ер қонунчилиги, алоҳида солиққа тортиш, алоҳида ижара муносабатларини тартибга солиш, алоҳида ер дастурлари мавжуд.

Хусусан, давлат ер кафолатларида ерларнинг махсус рўйхатини олиб боради. У ерда ер участкаларининг ҳуқуқий маъкеи, биридан иккинчисига ўтиши, сифати ва бошқа маълумотлар доимий тарзда ёзилиб боради.

«Қишлоқ хўжалик ерлари» деганда, биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ишлатиладиган ерларни назарда тутамиз. Аммо қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўпгина тармоқлардан иборат ва уларнинг ҳар бири ерларни турлича ишлатишади. Бунга мувофиқ қишлоқ хўжалик ерлари тузилмаси шаклланади, уларнинг туркумлашиши эса деярли бутун дунёда бир хил. Тахминан, барча ерларнинг деярли ярмини ҳайдаладиган ерлар ташкил этади (ишлаб чиқаришнинг ихтисослиги ва маҳсулдорлигига қараб). Ҳайдаладиган ерлар деганда тизимли қайта ишланадиган ва турли хил қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун ишлатиладиган ерлар тушунилади. Қишлоқхўжалиги ерларининг иккинчи катта қисми яйловлар ёки қишлоқ хўжалик ҳайвонларини боқиш учун ишлатиладиган ут қопламасига эга ерлардир. Сунъий ва табиий маданий ёки экилган яйловларни фарқлайдилар. Қишлоқ хўжалик ерларининг яна бир муҳим тури бу кўп йиллик экинзорлардир: боғлар, узумзорлар, ва х-к. Қишлоқхўжалик ерларининг бир қисми ишлатилмасдан, консервациялашган бўлиши ҳам мумкин. Ерларнинг консервацияси иккита сабабга кўра амалга ошади. Биринчиси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тартибга солиниши давлат дастурини амалга ошириш. Иккинчи сабаб, узоқ муддатли бўлиб ер ва сув ресурсларини антропо-

поген таъсирдан химоялаш билан боғлиқ. Айрим сабабларга кўра кучли ифлосланган ерлар қишлоқ хўжалиқ фойдаланишидан чиқарилиши ва тегишли қайта тикланиши лозим.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида 65,3 гектар экин майдони туман захира фондига қайтарилди.

Оқибатида қолган 97,8 гектарли экин майдонига ишлов бериш, минерал ва органик ўғитлар билан таъминлаш ўз вақтида амалга оширилиб бормоқда.

3.2. Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликни оширишда тутган ўрни.

Ер ресурслари – умуммиллий бойликдир. Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш зарурлиги «Ер кодекси»да алоҳида таъкидланган. Республика ҳудудидаги барча корхоналар, фуқаролар бу қонуний талабни бажаришлари шарт. Шунинг учун улар тупрок унумдорлигини сақлаш ва оширишга негизида улардан талаб даражасида самарали фойдаланишга катта эътибор беришлари лозим. Шу маъсулиятни ҳис этган ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналари уни ижобий ҳал этишга, фойдаланиш мумкин бўлган майдонлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга интиломоқдалар.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида экин экилаётган майдонлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундай ҳол экинзорларни, аҳолига турар жойларни қуриш, саноат, суғориш иншоотларини барпо этиш учун ажратилиши оқибатида юз бермоқда. Бу объектив жараён келажакда ҳам юз беради. Шунинг учун ҳам мавжуд ерлардан йил давомида оқилона, самарали фойдаланиш зарур. Пахта майдонининг қисқартирилиши натижасида пахта яккаҳокимлиги бартараф этилди. Лекин озуқа экинлари майдонларининг қисқартирилиши амалда алмашлаб экиш тартибининг бузилишига олиб келди ҳамда чорва ҳайвонларининг мустаҳкам ем-хашак базасини барпо этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис келажакда ердан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш учун алмашлаб экишни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳозирги даврда экинлар экилаётган ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга барча хўжаликлар алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ҳаракат ижобий натижалар бермоқда.

Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида

***1 гектар экин майдони ҳисобига тўғри келган иқтисодий
самарадорлик кўрсаткичлари***

11-жадвал

Экин тури	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2014йилда 2012 йилга нисбатан
Пахта	Ҳосилдорлик	33	35	36	109,1
	ялпи маҳсулот	2187,2	2458,3	3383,0	154,7
	ҳаражатлар	1869,1	2111,2	2832,1	151,5
	фойда	318,1	347,1	550,9	173,2
Бугдой	Ҳосилдорлик	62	67	68	109,7
	ялпи маҳсулот	1975,1	2284,0	2808,4	142,2
	ҳаражатлар	1367,5	1575,9	1903,1	139,2
	фойда	607,6	708,1	905,3	149,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда фермер хўжалигида 1гектар экин майдонидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича яхшиланган. Буни биз пахтачиликдаги самарадорликни асосий кўрсаткичлари ҳисобланган 1гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, фойда, ишлаб чиқариш харажатларида яккол кўришимиз мумкин. Охириги 3 йил давомида ҳосилдорлик 9,1 фоизга, ялпи маҳсулот 54,7фоиз, ишлаб чиқариш харажатлари 51,5фоизга 1 гектар ҳисобига олинган фойда эса 73,2фоизга кўтарилган, бугдой ҳам ўз навбатида йилдан йилга ҳосилдорлик 9,7 фоизга, ялпи маҳсулот 42,2фоизга, фойда 49 фоизга ва ишлаб чиқариш харажатлари эса 39,2фоизга кўтарилган.

Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида 1 гектар экин майдонидан олинган; ҳосилдорлик, ялпи маҳсулот, фойда, 1 гектар экин

майдони учун сарфланган харажатларни қуйидаги диаграммалар орқали кўриб чиқамиз

Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида пахта етиштириш учун 1 гектар экин майдони ҳисобига тўғри келган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари
1-диаграмма





Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида буғдой етиштириш учун 1 гектар экин майдони ҳисобига тўғри келган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари охириги уч йилда яхшиланиб бормокда.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг ошиши ердан фойдаланиш самарадорлиги юксалишини таъминлайди.

Ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ернинг баҳоларини ва улардан фойдалаганлик

***Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида буғдой
етиштириш учун 1 гектар экин майдони ҳисобига тўғри келган
иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари***

2-диаграмма



учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисоди қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби индикаторларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Биз Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида фермер хўжалигида мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

- Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалиги жойлашган ҳудудда аҳолининг зичлиги ва сув билан таъминланганлик даражасини ўртача эканлигини ҳисобга олиб фермер хўжалигида мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш, фойдаланиладиган ерларни турли мақсадларда ажратиш, ижарага бериш ва сотиш амалдаги ҳуқуқий-меъёрий

хужжатлар асосида самарали ташкил этиш ва улардан амалдаги қонунлар асосида фойдаланишни ташкил этиш;

- фермер хўжалигига қарашли бўлган ерларнинг паст текисликларда жойлашган қисмида ер ости сувларининг яқин жойлашганлигини ҳисобга олиб ва адирликда жойлашган ерларни рельефи талаб даражасида эмаслиги туфайли фермер хўжалиги ерларида ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш;

- фермер хўжалиги ҳудудида мавжуд ер ресурсларидан фойдаланишда янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- ўтган давр мобайнида фермер хўжаликларида давлат буюртмаларини ўрнатилиши ва фермер хўжаликлари томонидан давлат буюртмаларини бажариш учун қилинган ҳаракатлар оқибатида ерни унумдорлигини оширишда асосий омиллардан ҳисобланган алмашлаб экиш масалаларига эътибор сусайганлигини ҳисобга олиб фермер хўжалиги ҳудудида илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;

- фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёнида ўсимликларни касаллик ва зараркурандалардан самарали ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, кейинги йилларда об-хавони тез ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалик экинларини нормал ўсиб ривожланиши учун ноқулай шарт-шароитлар юзага келиши билан бир қаторда зараркуранда ва касалликларни тез ривожланиши учун қулай шароит пайдо бўлмоқда. Юқоридагилани ҳисобга олиб фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёнида ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;

- фермер хўжалиги ерларини жойлашиши, сув билан таъминланиши ва унумдорлик даражасидан келиб чиқиб турли тупроқ шароити ва унумдорликка эга ерларга ўзига ҳос экин турлари ҳамда серҳосил ва касалликларга чидамли усимлик навларини танлашни йўлга қўйиш

мақсадида фермер хўжалигида селекция, уруғчиликни ва агротехнологик тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- маълумки қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни ташкил этиш масалалари катта маблағ талаб этади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизми ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳозирги кунда дотация ва субсидия дастаклари асосида амалаг оширилиб келинмоқда. Лекин, хусусий мулкчиликни ривожланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни доимий равишда ортиб бориши амалдаги фермер хўжаликлари фаолиятига нафақат ички балки ташки инвестицияларни кенг жорий этиш чора-тадбирларини кўришни тақозо этади. Юқоридагилан келиб чиқиб Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнига чет эл инвестицияларини кенг қўламда жорий этиш чора-тадбирларини кўриш керак. Чунки, ташки инвестициялар фермер хўжалигини моддий-техник базасини талаб асосида шаклланишининг ишончили омили ҳисобланади.

- Фермер хўжалигида мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини ижобий ҳал этилиши аксарият ҳолларда фермер хўжалиги ҳар бир аъзосининг ер ресурсларига бўлган муносабатини тубдан яхшилаш билан боғлиқдир. Шунинг ҳисобга олиб Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалиги тассаруфидаги ер майдонларидан самарали фойдаланишнинг ташкил этиш учун фермер хўжалиги аъзоларини ерга бўлган муносабатини бозор талаблари асосида шакллантириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар

Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер участкаларидан самарали фойдаланиш масалаларини атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр ва мулоҳазаларга келдик:

1. Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалиги асосон пахта ва дон етиштиришга ихтисослашганлиги туфайли маҳаллий аҳолини бу соҳадаги кўникмалари етарли. Шунинг учун ҳам бу соҳада илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор билан қаралади. Бунга фермер хўжалиги таасаруфида фаолият кўрсатаётган чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи технологиялар асосидаги фирмаларни мисол келтириш мумкин.

2. Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалиги таасаруфидаги экин майдонларини унумдорлик даражаси, сув билан таъминланганлик даражаси ҳамда табиий иқлим шароитлари дехқончилик учун энг қулай ҳисобланади.

3. Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигини жойлашган ўрни шаҳар магистрал йўлларига ҳамда темир йўл магистралига ўта яқинлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан истеъмолчи ўртасидаги масофани яқинлаштиради. Демак, бу соҳада етиштирилган маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш учун реал имкониятлар мавжуд.

4. Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалиги шаҳарга яқин жойлашганлиги фермер хўжалиги учун қатор қулайликларни яратади яъни энг замонавий техникалар, энг самарали пестицидлар ҳақида, навлар ҳақида ишончли маълумотлар олиш имкониятлари юқори чунки, мазкур маълумотларнинг энг асосий манбаи ҳисобланган Биз Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида ер участкаларидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида фермер хўжалигида мавжуд ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

- Равнақ тонги фермер хўжалиги жойлашган худудда аҳолининг зичлиги ва сув билан таъминланганлик даражасини ўртача эканлигини ҳисобга олиб фермер хўжалигида мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш, фойдаланиладиган ерларни турли мақсадларда ажратиш, ижарага бериш ва сотиш амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида самарали ташкил этиш ва улардан амалдаги қонунлар асосида фойдаланишни ташкил этиш;

- фермер хўжалигига қарашли бўлган ерларнинг паст текисликларда жойлашган қисмида ер ости сувларининг яқин жойлашганлигини ҳисобга олиб ва адирликда жойлашган ерларни рельефи талаб даражасида эмаслиги туфайли фермер хўжалиги ерларида ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш;

- фермер хўжалиги худудида мавжуд ер участкаларидан фойдаланишда янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- ўтган давр мобайнида фермер хўжаликларида давлат буюртмаларини ўрнатилиши ва фермер хўжаликлари томонидан давлат буюртмаларини бажариш учун қилинган ҳаракатлар оқибатида ерни унумдорлигини оширишда асосий омиллардан ҳисобланган алмашлаб экиш масалаларига эътибор сусайганлигини ҳисобга олиб фермер хўжалиги худудида илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;

- фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёнида ўсимликларни касаллик ва зараркурандалардан самарали ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, кейинги йилларда об-ҳавони тез ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалик экинларини нормал ўсиб ривожланиши учун ноқулай шарт-шароитлар юзага келиши билан бир қаторда зараркуранда ва касалликларни тез ривожланиши учун қулай шароит пайдо бўлмоқда. Юқоридагилани ҳисобга олиб фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёнида ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда экологияга

салбий таъсир кўрсатмаган шолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;

- фермер хўжалиги ерларини жойлашиши, сув билан таъминланиши ва унумдорлик даражасидан келиб чикиб турли тупроқ шароити ва унумдорликка эга ерларга ўзига ҳос экин турлари ҳамда серҳосил ва касалликларга чидамли усимлик навларини танлашни йўлга қўйиш мақсадида фермер хўжалигида селекция, уруғчиликни ва агротехнологик тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- маълумки қишлоқ хўжалигида махсулот етиштиришни ташкил этиш масалалари катта маблағ талаб этади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизми ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳозирги кунда дотация ва субсидия дастаклари асосида амалаг оширилиб келинмоқда. Лекин, хусусий мулкчиликни ривожланиши, қишлоқ хўжалиги махсулотларига бўлган талабни доимий равишда ортиб бориши амалдаги фермер хўжаликлари фаолиятига нафақат ички балки ташки инвестицияларни кенг жорий этиш чора-тадбирларини кўришни тақозо этади. Юқоридагилар келиб чикиб Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнига чет эл инвестицияларини кенг қўламда жорий этиш чора-тадбирларини кўриш керак. Чунки, ташки инвестициялар фермер хўжалигини моддий-техник базасини талаб асосида шаклланишининг ишончили омили ҳисобланади.

- Фермер хўжалигида мавжуд ер участкаларидан самарали фойдаланиш масалаларини ижобий ҳал этилиши аксарият ҳолларда фермер хўжалиги ҳар бир аъзосининг ер ресурсларига бўлган муносабатини тубдан яхшилаш билан боғлиқдир. Шунинг ҳисобга олиб Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалиги тассаруфидаги ер майдонларидан самарали фойдаланишнинг ташкил этиш учун фермер хўжалиги аъзоларини ерга бўлган муносабатини бозор талаблари асосида шакллантириш зарур деб

ҳисоблаймиз. Бунинг учун хўжалик аъзоларини ер участкаларидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги кўникмаларини доимий равишда ошириб боришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- Фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорликни янада ошириш мақсадида энг аввалло етиштирилаётган маҳсулот таннархини арзонлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш лозим, бунда энг аввало арзон ва самарали технологиялардан фойдаланиш, моддий техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулот етиштириш жараёнида ортиқча харажатларга йўл қўймаслик ва энг асосийси асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ердан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

- Фермер хўжаликларида мавжуд экин майдонларини унумдорлигини ошириш масалалари энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки, аксарият фермер хўжаликларида такрорий экин сифатида тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи экинлар экилади. Бу ҳолат экин майдонларида келгуси йилда ҳосилдорликни пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалиги аъзоларида бу соҳадаги кўникмаларини янада бойитиш мақсадида энг тажрибали мутахассислар, олимлар иштирокидаги мақсадли ўқишларни доимий ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

- Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларида шартнома муносабатларини янада такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, пахта-ғалла етиштиришда шартномаларни сифатли тузилиши ва самарали амал қилиши фермер хўжаликлари билан таъминотчи ташкилотлар, маҳсулотни қайта ишловчи ташкилотлар ва бошқа истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни бошқаришда катта самара беради. Шунинг учун ҳам фермерларни шартномавий муносабатлар борасидаги билим ва кўникмаларини янада ошириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни муваффақиятли амалга

ошириш фермер хўжаликларини иқтисодий жихатдан янада ривожлантириш учун замин яратади.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган чора-тадбирларини фермер хўжалигида муваффақиятли амалга оширилиши - мавжуд ер участкаларидан самарали фойдаланиш асосида фермер хўжалиги иқтисодий самарадорлигини янада ошириш учун асос бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. (2004 йил 26 августдаги янги нашри) Т. 2004 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонунига шарҳлар. -Тошкент.: “Шарқ”, 2000. -384б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
5. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999
6. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонуни. (янги таҳрири) -Тошкент.: “Шарқ”, 1998
7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. -Тошкент.: “Адолат”, 1996. - 256б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташқил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4478-сонли Фармони. Халқ сўзи. 23.10.2012 й
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташқил этиш тизимини такомиллаштириш бора-

сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 май.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 декабрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашнинг таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги ФП-4058 сонли Фармойиши. Халқ сўзи 2008 йил 29 декабр

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ–3226 сонли Фармони “Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. Халқ сўзи 2003 йил 25 март.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 383-сонли қарори. Халқ сўзи. 05. 09. 2003 йил.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазиламиздир” маърузаси, Халқ сўзи 18.01.2015й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014

йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи 18.01.2014й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси Халқ сўзи 29.01.2013й.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» Халқ сўзи 28.01.2010 йил.

5. И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби». Халқ сўзи 13.02.2009 йил.

6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т. “Маънавият”, 2009 й.

7. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Т Ўзбекистон. 2009 й.

8. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» (Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатни Қўшма мажлисидаги маърузаси.). Тошкент «Ўзбекистон» 2005 йил.

9. И.А.Каримов. Ўзбекистон XX1-аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон.Тошкент - 2000

10. И.А.Каримов Дехкончилик тараккиёти- тукин ҳаёт манбаи. Тошкент Ўзбекистон 1998 йил.

11.И.А.Каримов «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод сиёсат-мафқўра» Т.Ўзбекистон 1996 йил

12.И.А.Каримов. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» Т.Ўзбекистон 1996 йил.

13. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент 1995 йил.
14. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент 1995 йил.
15. И.А.Каримов. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. Ўзбекистон. 1993 йил 269 б.
16. И.А.Каримов. «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент. Ўзбекистон. 1993 йил 269 б.
17. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли» Т.Ўзбекистон 1992 йил
18. И.А.Каримов. Дехкончилик таракқиёти фаровонлик манбаи. Тошкент. Ўзбекистон 1991 йил.

4. Мавзуга оид меъёрий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 383-сонли қарори. Халқ сўзи. 05. 09. 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов қолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом. Тошкент. 2005 йил.

5. Асосий адабиётлар.

1. А.Исмоилов, О.Муртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002 йил.
2. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташқил этиш. (дарслик) . Т. 2004 йил.
3. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Т. 2004 йил.

4. Н. Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари». Т., Университет 2005 йил.
5. Hakimov R. Agrosanoat majmuasi iqtisodiyoti (Darslik). – Т.: TDIU, 2006
6. О'Р. Umrzaqov va b. Fermer xo'jaligi iqtisodiyoti. – Т.: "Iqtisod-moliya" 2007.
7. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.Қ. Персонални бошқариш Дарслик. -Т.: Мехнат, 2008.
8. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: Мехнат, 2009.
9. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т. «Иқтисодиёт». 2009 й.
10. А. Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т. 2010.
11. Абдурахмонов Қ.Х., Нарзикулов Н.Р., Бакиева И.А. «Мехнат иқтисодиёти ва социологияси» - (маърузалар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2010-165 бет.
12. М.Н. Махмудов, З.А. Жумаев, С.А. Сатторов. И.А. Каримовнинг 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент–2012 йил.
13. М. Комилов, У. Гофуров, М. Амонбоев И.А. Каримовнинг «Мустақиллик – Барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент–2013 йил

6. Кушимча адабиётлар.

1. З.Ю. Хошимов «Фермер хўжаликларининг муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари. Т. 2004 йил.
2. Abdurahmonov Q.X., Holmo'minov Sh.R., Akbarov A.M. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi – Т.: 2005 б.
3. Холмўминов Ш.Р., Хакимов Х., Боқиева И., Маҳкамбоев А. Мехнат кўрсаткичлари таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. -112б.
4. С.Хушматов ва бошқалар. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни бизнес бошқариш ва фаолият юритишнинг иқтисодий асослари. Тошкент-2010 й.

5. Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 йил

7.Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисобатлар.

1. О.Шерматов. А.Абдуллаев. Б.Рахмонова Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантиришнинг зарурлиги ва тутган ўрни Кишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-ҳукукий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш Республика илмий амалий анжуман мақолалар тўплами 2014й
2. А.Абдуллаев, Ф.А.Иномжонов. Б.Рахмонова Аграр соҳани барқарор ривожланишида фермер хўжаликларини тутган урни ва аҳамияти Кишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-ҳукукий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш Республика илмий амалий анжуман мақолалар тўплами 2014й
3. Б.Носиров, А.Эргашев. Б.Рахмонова Фермер хўжалигида пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари Кишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-ҳукукий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш Республика илмий амалий анжуман мақолалар тўплами 2014й
4. А.Абдуллаев. Б.Рахмонова Фермер хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва тутган ўрни Кишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-ҳукукий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш Республика илмий амалий анжуман мақолалар тўплами 2014й
5. Б.Рахмонова. Талаба Толипов Б. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида чорвачилик тармоғига хизмат курсатувчи соҳа самарадор-лигини ошириш Кишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-ҳукукий ва ижтимоий-иқтисодий механизм-ларини такомиллаштириш Республика илмий амалий анжуман мақолалар тўплами 2014й

6. А.Абдуллаев, О.Шерматов, Б.Рахмонова. Ўзбекистон фермерлари кенгашилини ташкил этилиши аграр ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичидир Андижон машинасозлик институтидаги конференция материаллари. 2013 й
7. Ф.Муминова Иқтисодийни модернизациялаш жароёнида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги нисбатнинг узгариши. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 2. 2013 йил.
8. Т. Ризаев. Сув истемолчилари уюшмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш муаммолари ва ечимлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 2. 2013 йил.
9. Фармонов Ж. Фермер хўжаликларини баркорор ривожлантиришнинг янги имкониятлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №4. 2013 йил.
10. А.Бабаджанов. Қишлоқ хўжалигида инновацион лойиҳаларни жорий қилишнинг ноанъанавий усуллари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №6. 2012 йил.
11. Қ. Бўстонов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожланишнинг маҳсулот Рақобатдошлигига таъсири. Агроилм. 1(21) сон, 2012 йил
12. Ғ.Дўстмуродов. Аграр соҳада тадбиркорлик самарадорлигини ошириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №6. 2012 йил.
13. Қ. Бўстонов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожланишнинг маҳсулот Рақобатдошлигига таъсири. Агроилм. 1(21) сон, 2012 йил.
14. Аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари. АҚХИнинг илмий тўплами. Андижон – 2007 йил.
15. О.А.Шерматовнинг Иқтисодий эркинлаштириш шароитида пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари мавзусидаги номзодлик диссертацияси. Т. 2006 й.

16. Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда фермерлар кенгашининг 2012-2014 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари, шартномалари ҳамда шу каби бошқа маълумотлари.

17. Избоскан туманидаги Равнақ тонги фермер хўжалигининг 2012 -2014 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари, шартномалари ҳамда шу каби бошқа маълумотлари.

8. Интернет сайтлари.

1. -www.pravo.uz. Ўзбекистан Республикаси қонунчилик базаси.
2. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
3. www.lex.uz -Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.
4. <http://www.economyfaculty.uz> – “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
5. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари

